



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 4 июль, № 134-135 (7092-7093) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 31 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартнома (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 июль
№ УРҚ—481

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Медиация тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-боб. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади медиация соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низола, шунингдек яқка меҳнат низола ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолага медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низолага нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

медиация — келиб чиққан низо тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули;

медиатор — медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс;

медиатив келишув — медиацияни қўллаш натижасида медиация тарафлари томонидан эришилган келишув;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув — тарафларнинг тузилган пайтдан эътиборан медиация тартиб-таомилини амалга ошириладиган келишуви;

медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув — низо келиб чиққанига қадар ёки у келиб чиққанидан сўнг тарафларнинг низо медиация тартиб-таомилини амалга оширган ҳолда ҳал этиш зарурлиги тўғрисида тузилган келишуви.

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

«Марказий Осиёда бир ўлка борки, у бугун янгича қиёфа касб этиб, тобора ривожланмоқда»

Юртимиз тараққиёти, республикада амалга оширилаётган жадал ислохотлар жараёни мудом хориж оммавий ахборот воситаларида кенг эътибор қаратилаётган мавзулардан бири бўлиб бормоқда.



Жумладан, яқинда Буюк Британиянинг «BBC World Service» телеканалда Ўзбекистонга бағишланган махсус кўрсатув намоиш этилди.

Репортажда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ўзгариб бораётгани, бунга сабаб сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ўзгаришлар кўрсатилади.

Британиялик мухбирларнинг таъкидлашича Марказий Осиёда бир ўлка борки, у бугун янгича қиёфа касб этиб, тобора ривожланмоқда,

шунингдек, у ерда ислом динидан ташқари турли дин ва эътиқод вакиллари тинч-тотув, бағрикенглик руҳида истиқомат қилади. Кейинги пайтларда уларнинг диний амаллари бажаришлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратилган.

Давлат томонидан ташқи сиёсатда йўлга қўйилган очиқлик тамойили Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг салмоқли тарзда орттириши ҳамда хорижий сармоядорлар кизиқишининг кучайишига хизмат қилаётди, деб ҳисоблайди «BBC World Service» ижодкорлари.

«The Banker» 1926 йилдан бери Нью-Йоркда нашр этиладиган «The Banker» журнали Ўзбекистон Рес-

публикаси Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки дунёнинг етакчи молиявий институтлари минтағалиги орасида ўз капиталини кўпайтириш бўйича етакчи ўрнини эгаллаганини хабар қилди. 2017 йили Миллий банкнинг биринчи тартиб капитализацияси («Tier 1 capital») 188 фоизга ортгани таъкидланади.

Эроннинг нуфузли «Financial Tribune» газетаси тарқатган маъ-



лумотларга кўра, Ўзбекистон Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларини кенгайтирмоқда. Бу борада республикада ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва электр

энергиясини минтақа ҳамда жаҳон бозорига олиб чиқиш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланади.

«Эронлик ишбилармонлар Ўзбекистонда бошланган янгиланишлар жараёнидан четда қолиши истамаслиги аниқ. Шу сабабли ҳам сўнгги вақтларда илғор кўшма сармоявий лойиҳалар муҳокама қилинмоқда. Ҳозирда юздан ортиқ Эрон компанияси мамлакат бозорига фаолият юритаётган бўлса, ушбу кўрсаткич тез орада камида икки бараварга орттирилади», деб ёзади «Financial Tribune».

Мамлакатимизнинг сармоявий салоҳияти Покистон ишбилармонлар ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этиб борапти. Бу ердаги нуфузли «The Nation» газетаси Ўзбекистон билан савдо ало-



қаларини жадаллаштиришни тарафдорлиги билан мақола чоп қилди. Унда

таъкидлашича, тўқимачилик, дори-дармон ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар сингари жабҳаларда покистонлик тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшиги очиқ.

Арабистон ярим оролининг энг бой давлатларидан бири бўлмиш Бахрайнинг марказий ахборот агентлиги «BNA» тарқатган материалда Ўзбекистонга кириб келаётган хорижий сармоячи оғир ҳажми тобора ортаётгани эътироф этилади. «Ушбу суръат сақланиб қоладиган бўлса, республика тез орада минтақанинг асосий сармоявий пойтахтига айланиши турган гап» дейилади агентлик хабарига.



وكالة أنباء البحرين Bahrain News Agency

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юрtdошларимиз томонидан кўтаринки кайфият ҳамда олинди. Бунга тахририятимизга бўлаётган кўнгилроқлар, билдирилаётган муносабатлардан ҳам билиб олиш мумкин. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

(Давоми 3-бетда).



Эксклюзив интервью

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳамда Бирлашган Араб Амирлигининг «Jampur Group» компанияси ўртасида инвестициявий ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди. Бу хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга ишончи, иқтисодий тизимга бўлган қизиқиши ортиб бораётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Муҳаммад ШАФИҚ: «Jampur Group» компанияси Ўзбекистонда ипакчилик кластерини бунёд этади

«Jampur Group» компанияси президенти Муҳаммад ШАФИҚ эришилган истиқболли келишув, амалга ошириладиган лойиҳалар аҳамияти ҳақида «Халқ сўзи» газетаси учун эксклюзив интервью берди.

— Аввало, имзоланган бугунги ҳужжат, сармоявий ҳамкорлик билан табриклайман.

— Раҳмат! Ҳозир кучли ҳаяжондамиз. Бугунги амалий келишувимиз ўзбекистонлик ҳамкорлар учун ҳам хайрли бўлсин.

— Айтинг-чи, «Jampur Group» компанияси янги йўналиш — ипакчиликни ривожлантириш учун айнан Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қарор қилганининг боиси нимада?

— Тўғри айтдингиз. Биз учун ипакчилик саноати бутунлай янги соҳа ҳисобланади. Асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспортга ихтисослаштирилган компаниямиз 35 йиллик фаолияти ижроси жойларда қай даражада? Бу хайрли ҳаракат ҳудудларда нечоғли кенг қулоч ёзмоқда? Одамлар ободликка доир

кўрсатиш тармоқларини ишга туширди. Масалан, Хитойда турли русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, донни қайта ишлаш корхоналари учун ускуналар, шунингдек, минерал ўғитлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, металлургия, гидроэнергетика, транспорт, айниқса, денгиз транспорти хизматлари кўрсатиш соҳасида бой тажрибага эгамиз. Демакчи бўлганим, иқтисодий тизимнинг кўпга соҳаларида фаолият юритаётган бўлсак-да, ипакчиликда ҳали бошловчимиз. Шунинг учун мазкур соҳани чуқур ўрганишимиз. Бу жараёнда эътиборимизни Ўзбекистон кўпроқ тортди. Сабаби, юртингизда пиллачилик жадал суръатларда ривожланиб, маҳсулот етиштириши, қайта ишлаш ва экспорт қилишда юқори натижаларга эришилмоқда. Қолаверса, жаҳон бозорига ўзбек ипагига бўлган талаб йил сайин ортапти. Айни пайтда унинг ҳар бир килограмми 45 — 50 АҚШ доллари атрофида баҳоланади.

(Давоми 7-бетда).

ЯХШИДУР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ лек ширин ёлғон ёмон



Ободликка интилиш, боғу бўстонлар яратиш, муқташам иншоотлар бунёд этиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан биридир. Бу, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан қишлоқларни обод этиш, қулай турмуш шароитларини яратиш, пировардида одамларни ҳаётдан рози қилишга доир хайрли саъй-ҳаракатларда яқол намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, инсон манфаатларини тўлақонли таъминлаш, уларнинг талаб ва истак-

ларини рўёбга чиқариш, қишлоқларда ҳам худди шаҳардагидек қулайликлар яратишни кўзлаб амалга оширилаётган «Обод қишлоқ» дастури туфайли чекка ҳудудлардаги аҳоли яшаш пунктлари қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз ҳаёт даражаси яхшиланмоқда. Бироқ «Обод қишлоқ» дастурининг ижроси жойларда қай даражада? Бу хайрли ҳаракат ҳудудларда нечоғли кенг қулоч ёзмоқда? Одамлар ободликка доир

ўзгаришларни ўз қалбидан ўтказиб, теран ҳис этаётими? Афсуски, «Хар тўқисда бир айб», деганларидек айрим маҳалла ҳудудларида мазкур ҳаётий ҳужжат ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Мухбирларимиз ушбу ҳолатлар билан яқиндан танишиб, ҳақиқий аҳолини ўргандилар.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Медиация тўғрисида

◄(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

5-модда. Медиациянинг асосий принциплари

Медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади.

6-модда. Махфийлик принции

Медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

7-модда. Ихтиёрийлик принции

Медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади.

Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли.

Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга мажбурлаш тақиқланади.

8-модда. Тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принции

Медиация тартиб-таомили медиатив келишув шартларига бир томонлама таъсир кўрсатишни истисно этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Медиация тарафлари медиаторни, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартибини, медиация тартиб-таомилидаги ўз нуқтаи назарини, бу нуқтаи назарни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини танлашда, ахборот олишда, медиатив келишув шартларининг ўзаро мақбуллигини баҳолашда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида тенг мажбуриятлар бўлади.

9-модда. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принции

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятга бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди.

Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак.

2-боб. Медиация иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10-модда. Медиация иштирокчилари

Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчиларидир. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам медиация тарафлари бўлиши мумкин.

Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Тарафлар медиацияда шахсан ёки ўз вакили орқали қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади.

11-модда. Медиация тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Медиация тарафлари: медиаторни ихтиёрий равишда танлашга; медиатордан воз кечишга; медиациянинг исталган босқичида унда иштирок этишдан воз кечишга; медиация тартиб-таомилини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли. Медиация тарафлари ўз ўрталарида тузилган медиатив келишувни ушбу келишувда назарда тутилган тартибда ва мuddатларда бажариши шарт. Медиация тарафлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

12-модда. Медиаторга доир талаблар

Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин.

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши мумкин.

Куйидагилар медиатор бўлиши мумкин эмас:

давлат вазифаларини бажариш учун ваколат берилган ёки унга тенглаштирилган шахс;

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўзига нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилаётган шахс.

Медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди.

13-модда. Медиаторнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

Медиатор: медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида бир вақтнинг ўзида ҳам тарафларнинг барчаси билан, ҳам тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида учрашувлар ўтказишга, уларга низои ҳал этишга доир озгаки ва ёзма тавсиялар беришга; медиация тартиб-таомилини амалга ошириши муносабати билан сарфлаган харажатларининг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Медиатор: медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши; медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши; низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний воситалари ва усулларидан фойдаланиши; ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт.

Медиатор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

14-модда. Профессионал медиаторлар реестри

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Профессионал медиаторлар реестри юритилади, ушбу реестр уларнинг расмий веб-сайтларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Шахснинг медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши уни Профессионал медиаторлар реестрига киритиш учун асос бўлади.

Профессионал медиаторлар реестрида куйидагилар бўлиши керак: медиаторнинг фамилияси ва исми; медиаторнинг жойлашган ери ва алоқа боғлашга доир маълумотлари; медиатор ихтисослашган медиация соҳаси; медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил ҳақидаги маълумотлар.

3-боб. Медиацияни қўллаш ва медиация тартиб-таомилини амалга ошириш

15-модда. Медиацияни қўллаш шартлари

Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади.

Медиация суддан ташқари тартибда, низои суд тартибида кўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиация низои ҳакамлик судида кўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

16-модда. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шаклда тузилади.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо предмети ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари ҳақидаги, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш мuddатлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

17-модда. Давлат органининг иш бўйича медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатлари

Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун мuddат тайинлаши мумкин.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади.

Судда иш кўзгатилганидан кейин медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонун ҳужжатларида белгиланади.

Суд муҳокамаси жараёнида, низои ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритивида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади.

Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилishi лозим.

18-модда. Давлат органи иштирокидаги низода медиацияни қўллаш

Давлат органи иштирокида низо келиб чиққан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши керак.

19-модда. Медиация тартиб-таомилининг бошланиши

Медиация тартиб-таомили медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида тарафлар томонидан келишув тузилган кундан эътиборан бошланади.

20-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда: тарафлар ҳақидаги; низо предмети тўғрисидаги; медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, медиатор, тарафлар томонидан келишилган мажбуриятлар, уларни бажариш шартлари ва мuddатлари ҳақидаги; медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган тил, жой ва сана тўғрисидаги; медиация тартиб-таомили амалга ошириладиган мuddат ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

21-модда. Даъво мuddатининг ўтишини тўхтатиб туриш

Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда даъво мuddатининг ўтиши тўхтатиб турилади.

22-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун тарафлар ўзаро келишувга кўра бир ёки бир неча медиаторни танлаيди.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби, қоида тарикасида, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади.

Медиация тартиб-таомили амалга оширилаётганда медиатор ўзининг ҳаракатлари билан бирор-бир тарафни устун ҳолатга қўйишга, худди шунингдек тарафлардан бирининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга ҳақли эмас.

23-модда. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш мuddати

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш мuddати медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишувда белгиланади. Бунда медиатор ва тарафлар медиация тартиб-таомили ўттиз кундан ортиқ бўлмаган мuddатда тугалланиши учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши керак. Зарур бўлган тақдирда, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш мuddати тарафларнинг ўзаро розилиги билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

24-модда. Медиациянинг тугатилиши

Медиация куйидаги ҳолатлар муносабати билан тугатилади:

тарафлар томонидан медиатив келишув тузилганлиги; низо хусусида ўзаро мақбул бўлган қарорга эришиш имконияти йўқлиги;

мавжуд ихтилофлар бўйича келишувга эришмай туриб медиацияни тугатиш тўғрисида тарафларнинг келишуви тузилганлиги (медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида ёзма келишув мавжуд бўлган тақдирда);

бирор-бир тарафнинг медиацияни давом эттиришдан воз кечишни маълум қилганлиги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш мuddатлари ўтганлиги.

25-модда. Медиацияни қўллаш чоғидаги чекловлар

Медиацияни қўллаш чоғида медиатор: айна бир низо бўйича бирор-бир тарафнинг вакили бўлишга, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва унинг иштирок этишига ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги бўлган ҳоллар мустасно; бирор-бир тарафга юридик, маслаҳат ёрдами ёки бошқа ёрдам кўрсатишга; агар у медиацияни амалга ошириш натижасидан шахсан (бевосита ёки билвосита) манфаатдор бўлса, шу жумладан тарафлардан бири бўлган шахс билан қариндошлик муносабатларида бўлса, медиатор фаолиятини амалга оширишга, бундан унинг иштирок этишига ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги бўлган ҳоллар мустасно; тарафларнинг розилигисиз низонинг моҳияти бўйича ошқора баёнотлар беришга ҳақли эмас.

26-модда. Медиацияга тааллуқли ахборотнинг махфйлиги

Тарафлар, медиатор, шунингдек медиация тартиб-таомилини амалга оширишда ҳозир бўлган бошқа шахслар

Халқ сўзи

2018 йил 4 июль

муҳокаманинг медиация предмети бўлган низо билан боғлиқ бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, агар тарафлар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, муҳокама жараёнида:

тарафлардан бирининг медиацияни қўллаш тўғрисидаги таклифи ҳақидаги, худди шунингдек тарафлардан бири уни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканлиги тўғрисидаги;

низои ҳал этиш эҳтимоли хусусида тарафлардан бири билдирган фикрлар ёки таклифлар ҳақидаги;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнида тарафлардан бири томонидан билдирилган эътирофлар тўғрисидаги;

тарафлардан бири медиаторнинг ёки иккинчи тарафининг низои ҳал этиш ҳақидаги таклифини қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги ахборотни ҳавола қилишга ҳақли эмас.

27-модда. Медиацияга тааллуқли ахборотни медиатор томонидан ошкор қилиш шарти

Агар медиатор тарафларнинг биридан медиацияга тааллуқли ахборотни олган бўлса, у бу ахборотни фақат уни тақдим этган тарафнинг розилиги билан бошқа тарафга ошкор қилиши мумкин.

28-модда. Медиаторнинг фаолиятига ҳақ тўлаш

Профессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти ҳақ эвазига ёки текин амалга оширилиши мумкин. Нпрофессионал асосдаги медиаторнинг фаолияти текин амалга оширилади.

Нпрофессионал медиаторга унинг медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қилган харажатларининг, шу жумладан низои кўриб чиқиш жойига бориб келиш учун йўл ҳақи, яшаш ва овқатланиш харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Ҳақ тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш тарафлар томонидан, агар улар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлса, тенг улушларда амалга оширилади.

Медиатор медиация тартиб-таомилини амалга оширишни рад этган тақдирда, у медиация тарафлари томонидан ўзига тўланган пул маблағларини қайтариб бериши шарт.

29-модда. Медиатив келишув

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

Давлат органи ёки бошқа орган томонидан қайси шахснинг манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган бўлса, ўша шахс мазкур давлат органининг ёки бошқа органининг иштирокисиз медиатив келишув тузишга ҳақли. Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда мuddатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади.

Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли.

Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Медиация соҳасида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

33-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 3 июль
№ УРҚ—482

Депутат минбари

Билдирилган ишонч ва электорат манфаати биз учун устувор

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис Қонунчилик палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувдаги маърузасида ҳамда ўтган йилнинг декабр ойида парламентга йўллаган Мувожаотномасида парламент аъзолари ва сиёсий партиялар фаолиятидаги бир қатор камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Ўтган давр мобайнида шу асосда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз фаолияти ва дастурий вазифаларини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиб, аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Яъни, ушбу вазифалар ижроси партия ташкилотлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз фаолиятга замонaviй ёндашув ва янги мазмун олиб кирди. Натжида барча йўналишлар бўйича партия фаолияти жонланди, аҳоли орасидаги нфузори ошди. Бугунги кунда партия аъзолари сони 260 миғдан ортиб, жойлардаги бошланғич ташкилотларимиз 5000 тага етгани ҳам шундан далолат беради.

Айни вақтда партия Сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий йўналишдаги муҳим вазифалар сифатида аҳолига тиббий хизмат қўрастиш, дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларида ҳамда ёш олимларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга асосий эътибор қаратишда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Инновацион ривожланиш вазирликлари, Фанлар академияси билан қонун ижодкорлиги жараёнида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилиб, “Одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида”, “Аҳолининг репродуктив санолатлиги тўғрисида”, “Фан тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида”га қонун лойиҳаларини ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририни тайёрлашда ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Шу кунга қадар “Хар бир қонун лойиҳасининг муаллифи халқ бўлиши лозим” тамойилига асосан “Фракция — марказ — вилоят — туман — бошланғич партия ташкилоти” тизими орқали худудларда фуқаро ва амалиётчилар, экспертлар ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ўртасида, қолаверса, олий таълим муассасаларида олимлар ва ёшлар иштирокида мазкур қонун лойиҳаларининг 70 дан ортиқ муҳокамалари ўтказилди.

Қонун лойиҳалари матни Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси портали ҳамда партия расмий веб-сайтига жойлаштирилди. Бу тизимлар орқали олинаётган тақлифлар фракция аъзолари томонидан умумлаштирилиб, қонун лойиҳалари маромига етказилмоқда.

“Адолат” СДП фракцияси парламентдаги муҳолифат сифатида ҳам қонун ижодкорлиги жараёнида ўзининг

позицион тақлифлари билан фаол иштирок этмоқда. Жумладан, фракция тақлифи билан “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига экстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш, яъни профилактикасига эъти-

Жорий йилнинг олти ойида партия депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда туман, шаҳар Кенгашлари сессияларига **145** та, доимий комиссияларга **225** та масала киритилиб, **317** та мансабдор шахснинг эшитишуви ўтказилди.

Айни чоғда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлари томонидан фуқаролар мувожаотлари асосида ижроия ҳокимияти органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларга **2607** та депутатлик сўровлари чиқарилди.

бор бериш ва уларга чек қўйишга доир нормалар киритилди.

Ер ости сувидан фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси аса фракция тақлифи билан қайта кўрилиб, жисмоний шахсларнинг ўз ақтиёжлари учун ер ости сувларидан фойдаланишга мўждаланган қудуқларни қазийш жавобгарликдан мустасно эканигига доир норма билан тўлдирилди. “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилишда ҳам фракция аъзоларининг харидларни амалга ошириш чоғида шафдофлик ва рақобатни таъминлашга оид тақлифлари инobatта олинди.

Шу билан бирга, суд ҳокимияти органларининг аҳоли билан жойларда очик мулоқотлар ўтказиши ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлашни назарда тутувчи қонун лойиҳасига Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан судьялар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва унинг натижаларига оид қарорнинг Судьялар олий кенгашига юборилишини белгилаш каби тақлифлар лойиҳада ўзифодасини топди.

Бундан ташқари, фракция аъзолари жорий йилнинг ўтган даврида 10 га яқин қонунларни ишлаб чиқишда ташаббускорлик қўрсатди.

Фракция аъзоларининг ҳар ой 10-12 кун давомида жойларда аҳоли билан мулоқот қилиш тизими назорат-таҳлил фаолиятида асосий йўналишларни белгилашда устувор аҳамият касб этмоқда. Ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтараятган масалалар депутат сўрови, фракция сўрови, парламент сўрови, парламент эшитишуви, ҳўкумат соати каби механизмлар орқали ижобий ҳал қилинаётган. Масалан, жорий йилда олиб борилган ўрганишларда аҳолини тоза ичимлик суви ҳамда ар-

зон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш, ижтимоий дорихоналари ташкил этиш каби муаммолар кўп кўтарилган эди. Айни шу масалалар Қонунчилик палатасида илк бор ташкил этилган “Ҳўкумат соати” кун тартибига фракция ташаббуси билан киритилиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарларининг мазкур йўналишлар бўйича ахбороти эшитилди.

Шунингдек, ўрганишлар натижасида фракция аъзолари томонидан аниқланган умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг овқатланиши билан боғлиқ муаммолар ва уни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида халқ таълими вазирига парламент сўрови юбо-

ририлди. Яқин вақт ичиди бу масала юзасидан ҳам парламент эшитишуви ўтказилади.

Айтиш лозимки, депутатлик гуруҳларининг фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам устувор аҳамият қаратиб келямиз. Ўтган йилда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлар учун амалий ўқув-семинарлар ўтказилиб, депутатлик гуруҳларининг иш режалари қайтадан кўриб чиқилди. Унга қўра, жойлардаги муаммолар Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамкорлигида тегишли ижро органлари мутасаддилари олдига аниқ вазифалар қўйилмоқда. Биргина жорий йилнинг 6 ойи мобайнида лойиҳалар доирасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича маҳаллий Кенгашлар сессияларида 79 та масала киритилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, “Адолат — қонун устуворлигида” лойиҳаси доирасида партиянинг барча туман, шаҳар кенгашларида партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари ҳар чоршанба кўни жойларда халқ билан юзма-юз мулоқот ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур ишчи гуруҳлар аъзолари жами 2796 та маҳалладаги 41872 та хонадон ва 2490 та ҳўжалик юритувчи субъектга ташриф буюрди. Учрашувлар чоғида фуқаролар томонидан 6641 мувожаот келиб тушди. Уларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан фуқароларга 2243 мартаба ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилган бўлса, 1286 та масала бўйича маҳаллий ҳокимият органларига депутатлик сўрови юборилиб, 932 та мувожаот ижобий ҳал этилди.

Партия тизимида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ҳаётга самарали татбиқ қилишда ҳам депутатлар фаол қатнашаётган. Хусусан, жорий йилда Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, ички ишлар органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашлари вакиллари билан биргаликда ҳар бир ҳудуд ва маҳалла кесимида турли сабабга қўра чет элга чиқиб кетган ҳамда ўқимайдиган, аниқ бир машғулота эга бўлмаган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказилди. Натжида Жиззах вилоятларида 1542 нафар, Самарқандда 2185 нафар ва Навоийда эса 33 нафар уюшмаган ёшлар иш билан таъминланди. Чет элга чиқиб кетганлар орасидан 741 нафар ёшлар юртимизга қайтарилди.

Амалга оширилган ушбу ишларга қарамасдан олдимизда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, сайловчилар мувожаоти ва худудлардаги мавжуд муаммоларни тизимли равишда биргаликда ҳал этиш каби вазифалар турибди. Хусусан, сайловчиларга берган ваъдаларимизни тўла бажариш, халқимиз ва электоратимизнинг ишончини оқлаш биз учун бундан кейин ҳам устувор йўналиш бўлиб қолаверади.

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Асил РАШИДОВ, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби:
— Ҳалигача инглиз, фарса-форс тилида қалбда улғубоболаримиз, юрт шаъни ва шавкати учун фидокорона меҳнат қилган кишиларга ҳурмат ҳамда эҳтиром туйғусини уйғотишда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти катта. Бу йилги байрам тадбирларининг “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” деган шир остида ўтказилишида ҳам юксак маъно муҳимасан. Негаки инсон ўз юртининг эртаси учун қай-гурса, унинг ҳар бир қирч ерини эъозласа, чин илқис ҳамда ният билан меҳнат қилса, албатта, қадр топади. Шундай экан, ота-боболаримиз орузлари ушдан кўн — Мустақиллик байрамининг ҳар кўни, ҳар соати, ҳар дақиқасини тантана қилсак арзигай.

Шаригул ОМАРБАЕВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўратган соғлиқни сақлаш ҳодими, Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани тиббиёт бirlашмаси неонатолог шифокори:
— Истиклол тўғрисида бошқа соҳа вакиллари қатори биз, шифокорлар ҳам қадр топдик. Айниқса, кейинги йилларда тиббиёт тизимидаги тўз ўзаришлар одамларни қувонтирмоқда. Табиийки, шифохоналардаги илк таассурот инсоннинг тиббиёт муассасасига нисбатан ишончи ва эътиборини кучайтирибгина қолмай, унинг соғлигини асраш ҳамда мустақамлашнинг ҳам муҳим омилдир. Демак, аҳолига ма-

носив нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тўлиши алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, бу кўлуг шодибонанин ҳар бир инсон тақдирини улкан таъсири бор. Шу маънода, ўзимни Ватанимнинг энг бахтли фуқаросидан бири деб биламан. Негаки Ўртабшумининг эътибори ва ғамўўрлигидан баҳраманд бўлганман. Гап шундаки, у кишининг ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган, кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган, тажрибали, ижтимоий муҳофазига муҳто профессор-ўқитувчиларга имтиёзли ипотека кредити асосида Сергели туманида янги қурилган уйларида бири менга ҳам насиб этди.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

Янги қонун

Жамоат жойларида чилим ва “вейблар” чекиш қачон расман тақиқланади?

Сўнгги йилларда жамоат жойларида чилимга ўхшаш қурилма ёрдамида турли кейлидаган аралашмаоларни истеъмол қилиш билан боғлиқ ташвишли муаммо пайдо бўлди, айни чоғда электрон сигареталар ҳам тобора кенг тарқалмоқда. Жорий йил 2 июль кўни давлатимиз раҳбари томонидан “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Мухбиримиз парламент аъзолари ва бошқа соҳа вакиллари ушбу ҳужжатнинг аҳамияти хусусидаги фикрлари билан кизикди.

Гавҳар АЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:
— Чилим ва электрон сигареталар чекиш — биз учун кашандаликнинг янги кўриниши. Қонун ҳужжатларида мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солинадиган ҳуқуқий асослар ва механизмлар йўқ эди. Мазкур ҳужжат ушбу соҳага йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Жамоат жойларида чекишни чеклаш шу боисдан зарурки, чекиш нафақат кашандалар, балки атрофдаги кишилар саломатлигига ҳам зиён етказиши, шунингдек, мазкур иллатнинг тарқалишига имкон яратди. Янги Қонун нормаларини бир хилда ижро этиш учун Қонунда “чилим”, “чилим учун тамаксиз чекиш аралашмаси”, “чилим чекиш учун дамлама”, “чилим учун чекиш тоши”, “электрон сигарета” каби асосий тушунчалар очиб берилган. Чекиш тақиқланган жамоат жойлари рўйхатига аниқлик киритилган. Чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама қилиш чеклаб қўйилди ва тарғиб қилиш тақиқланди. Бу тийиб турувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, кенг тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб бориш ҳам муҳим. Бу ишларда ҳам давлат органларининг, ҳам жамоатчиликнинг иштирок этиши назарда тутилган. Қонун фуқаролар соғлигини чилим ва электрон сигареталарнинг зарари тасвирдан, бу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга ҳамда жаҳиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтираш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Қонунга қўра, жамоат жойларида чилим ва “вейблар” чекиш уч ойдан сўнг тақиқланади.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси:
— Чекиш муаммосини ҳал қилиш долзарб аҳамиятга эга. Зеро, бу ўринда сўз, аввало, фуқаролар соғлиғи ҳақида бормоқда. Чилим ва электрон сигареталар чекишга қўйилган тақиқ бугун жаҳоннинг кўп мамлакатларида ўқиби бу даражада мавжуд. Янги Қонунни ишлаб чиқишда хорижий тажриба, халқаро ҳужжатлар чўқур ўрганилди. Мазкур тақиқ таъбиқ этиладиган жойларнинг аниқ рўйхати ушбу норма-ларнинг муҳим жиҳатида. Стационар, савдо объектилари, умумий овқатланиш корхоналари (чилим ва электрон сигареталар чекиш учун махсус ажратилган хоналар бундан мустасно), кинотеатр, театр, цирк, концерт, томоша ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотлар ана

Давра суҳбати

Оила институтини мустаҳкамлашнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси томонидан ўтказилган давра суҳбати Президентимизнинг “Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Таъкидланганидек, шу йилнинг ўзиди қабул қилинган қатор ҳужжатлар, хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Ҳотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тўбдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори давлат томонидан оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг мустақамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини яққол далилди.

Бугун оила мустақамлигини таъминлашда давлат органлари, фуқаролар жаҳияти институтлари ва фуқаролар ҳамкорлиги ҳамда фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси Президент қарори билан тасдиқланди ва бу мазкур йўналишда юзага келаятган муаммо, камчиликларни бартараф этишда айни муддаирдир. Зеро, унда оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал, ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, замонaviй оилани мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлигини ошириш, ушбу масканнинг тарбиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аънаванвий оилавий қадриятларни сақлаш, шунингдек, оилаларга тасвирчан методик, консўльтатив ва амалий ёрдам кўрса-

тишининг самарали тизимини яратиш кўзда тутилган.

Муҳокамаларда Концепция мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” иштирокчилар диққат марказида бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирлар билан бир қаторда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга таъсир нўқтай назардан таҳлил қилиш, баҳолаш, ҳуқуқни қўллаш амалиятини, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, мазкур институтини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асосни яратиш масалалари депутатлар томонидан чўқур таҳлил қилинди.

Тадбирда ушбу йўналишдаги қонун ижодкорлиги фаолияти доирасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган истикболдаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.

З. ХОЛТЎРАЕВ.

Дил сўзи

Бундан икки йил муқаддам Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган паралимпия уйинлари чемпиони ва бронза медали соҳибига айландим.

Қадри борнинг қади баланд

Ушанда жонажон Ватанимизда биз каби имконияти чекланганларнинг ҳам ўз ўрни, қадри, эъзоси борлигини бутун дунёга намойиш этиш бахтига муяссар бўлдим. Қадри борнинг қади ҳамisha баланд. Яқинда Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган сузиш бўйича паралимпия мусобақаларида иштирок этдим. Унда 50 метрга brass усулида сузиб, жаҳон рекордини янгиладим. Натжида яқин орада Жакартада ўтказиладиган Осий уйинларида иштирок этиш лицензиясига эга бўлдим. Бу каби ютуқларга эришишимда республикамизда биз, ёшларга берилаётган эътиборнинг аҳамияти жуда катта. Бу имкониятлардан умумий фойдаланган ҳолда билдирилётган ишонччи ҳамisha оқлаб, Ватанимизга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилавераимиз.

Фирдавс МУСАБЕКОВ, «Рио — 2016» паралимпия уйинлари чемпиони.

ДИҚКАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишлаб “Энг улғу, энг азиз” аънаванвий танловини эълон қилади.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” деган эзгу гуна ўзида муҳасаса этган ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион гуялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунига мубовфиқ яратилган, давлатимиз ва жаҳиятимиз қурилиши тизимини тақомиллаштириш, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишни ёритувчи, тинчлик-оосийшталлик ва ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, таш-

ки сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини ҳаётимий мисоллар орқали очиб беришни ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улғу, энг азиз” танлови кўйидаги номнаамиялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақолалари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатига олинган веб-сайтлар ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкор-

ларининг материаллари;

- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тасвинома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиқши телефонлари.

Танловга 2017 йилнинг 1 августидан 2018 йилнинг 1 августига бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва теле-

видение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 3 августигача қабул қилинади.

Танлов гуялибери Ватанимиз таъқимлигининг йигирма етти йиллик байрамини арафасида муқофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Энг улғу, энг азиз” танловида деб кўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,

Ўзбекистон “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси.

Телефонлар:

(0-371) 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.



XALQARO PRESS KLUB

Иқтисодиётда барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги ишларга, айниқса, кейинги йилларда катта эътибор қаратилиб, мустақам ҳуқуқий асос яратилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони мазкур жабҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ушбу ҳужжатда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи кўплаб жиҳатлар қамраб олинган. Унда қайд этилганидек, солиқ юқини изчиллик билан камайитириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни тезкор ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

лигини соддалаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни қўлайитириш, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, хоржий инвесторлар учун қулай шарт-шароитларни сақлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида со-

15 фоиздан 12 фоизгача туширилади. Юридик шахслар айланмалари (нақд пул тушуми)дан ундирилмайдиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинади, юридик шахслар фойдасига солиқ ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун эса 22 фоиздан 20 фоизгача камайитирилади. Қўшимча қийматга солиқ ставкасининг 20 фоизлик ҳозирги миқдори сақлаб қолиниб, бунда солиқ ҳисоби тўлақонли тизими жорий этилади. Дейлик, амалдаги ҳолатда жисмоний шахслар-

ХАЛҚЧИЛ, АДОЛАТЛИ ВА САМАРАЛИ

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришдан кўзланган мақсад шундай тизим яратишдир.

суғурта бадали эса олиб ташланмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, биргина мажбурий ўзғаришлар натижасида аҳоли реал даромадлари 4,6 триллион сўмга ошмоқда.

Шу ўринда фикримизни айрим хоржий давлатлардаги жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари ҳусусида давом эттирсак. Масалан, Литвада бу миқдор 15, Латвияда 23, Қозғистонда 10, Венгрияда 20, Беларусь Республикасида 13, Россия Федерациясида 13 фоизни ташкил этади. Жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ишлаб чиқилган концепцияда бизнес ва ижтимоий қафолатлар таъминловчиси ҳисобланган давлатнинг манфаатлари ҳисобга олинган. Зотан, соғлом ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юқини камайитириш, республикамизнинг инвестициявий салоҳиятини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциядан кўзланган асосий мақсаддир.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Халқаро пресс-клуб томонидан ташкил этилган конференцияда солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлидаги концепцияда кўзда тутилган ечимлар кўриб чиқилиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган тизимли муаммоларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Тегишли вазирликлар мутасаддилари, солиққа тортиш соҳасидаги экспертлар, бизнес-ҳамжамият, дипломатик корпус, халқаро молия институтлари, ОАВ вакиллари иштирок этган мазкур тадбир барчада бирдай

қиқиқиб уйғотгани табиий, албатта. Чунки мазкур концепцияда солиқ борасида илгари кузатилмаган янгиликлар жуда кўп. Ваҳоланки, урганишлар шу пайтгача солиқ тизимида бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Умумий солиқ тўловчилар учун солиқ юқининг бандлиги, қўшимча қиймат солиғининг оширилган ставкаси ва самарасиз тизими, солиқ тўловчилар томонидан ишловчилар ҳақиқий сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқларнинг юқори ставкаси, назорат фаолиятини амалга ошириш вақтида таҳлил ва хавф-

ларни бошқаришнинг аниқ тизими мавжуд эмаслиги, бошқарув механизмининг самарасизлиги туфайли маҳаллий солиқлар ва йиғимлар йиғишнинг сустлиги, кўчмас мулк ҳамда ер участкалари ҳисобининг тўлиқ юридилмаганлиги шулар жумласидандир. Булар инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиқ юқи даражасини пасайитириш, солиқларни унификация қилиш орқали улар сонини оптималлаштириш, макроиктисодий вазият барқарорлигини ва Давлат бюджетни ҳамда унинг киримларини шакллантиришнинг турғунлигини таъминлаш, солиқ қонунчи-

ликка тортиш тизимини тубдан ислох этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган.

Концепцияга биноан, 2019 йил 1 январдан эътиборан, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юқламаси, барча жисмоний шахслар даромадларига 12 фоизлик ягона солиқ ставкаси жорий этилиши орқали пасайитирилади. Шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бериладиган пенсия ҳисобларига йўналтирилади, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий бадаллари бекор қилинади. Бизнес учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси

дан энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 5 баробаригача 7,5 фоиз, 5 баробаридан 10 баробаригача 16,5, 10 баробаридан юқори бўлса 22,5 фоиз миқдорда даромад солиғи ушлаб қолинаётган бўлса, ўзгаришдан сўнг бу рақам бир хил — 12 фоиз этиб белгиланди. Яъни келгуси йилдан бошлаб фуқаро қанча маош олишидан қатъи назар, ундан 12 фоиз даромад солиғи ушлаб қолинади, холос.

Ижтимоий муҳтож аҳоли қатламлари учун солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор эса энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорда сақланиб қолмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 8 фоизлик

Гўзал ИСЛОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори ўринбосари:



— Бугунги кунимизни мамлакатимиз келажакни белгилаб берувчи давр дейиш мумкин. Чунки солиқ ислохотлари давлат тараққиётида ўта муҳим роль ўйнайди.

Бу ҳужжат ҳақида сўз юритганда, аввало, уч ой олдин шу даврада ўртага ташланган муаммоларни, биз ҳал қилишимиз лозим бўлган, олдимизда турган вазифаларни эслайлик. Биринчи марта ҳукумат, вазирликлар, давлат идоралари мана шундай муҳим ҳужжатни ишлаб чиқишда бизнес доиралар

билан яқин ҳамкорликда иш олиб борди. Халқ билан мулоқотнинг амалий ифодасини кўрдик.

Концепциянинг нафақат солиқ соҳасига, балки мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасига таъсири бор. Аввал қайта-қайта кўтарилган бизнесга тушаётган солиқ юқини камайитириш, ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ ҳолатларинга эмас, ишга олиш, маош тўлаш, пул айланмаларига дахлдор муаммолар ҳам унда ўз ечимини топди. Шу пайтгача бизнес секторининг кўплаб даромадлари яширин бўлиб келаётган эди. Чунки уларга солиқ ставкалари ўта банд ҳамда улар ишловчи ходимлар сонига боғлиқ эди.

Кўриб турганингиздек, янги концепцияда бу масала ҳал этилган. Янги тартибга кўра, энди кичик бизнес унинг ходимлари сонига қараб эмас, балки йиллик айланмаси 1 миллиард сўмга етмаган субъектлар киритилади. Нега айнан шу чегара олинган? Ҳисоблаб чиқсак, бу йилига тахминан 120 минг

АҚШ долларига тўғри келади. Айрим давлатларда бу чегара янада паст. Чунки кичик бизнес деганда, катта завод-фабрикалар эмас, ўртача бир оилани боқувчи кичкина ишлаб чиқариш, савдо ёки хизмат кўрсатиш субъекти тушулиши керак. Шу ерда яқин тартибдаги тадбиркорнинг ҳуқуқий мақоми ҳам белгилаб қўйилди. Чунки бу ҳам кичик бизнес қатламига кирди. Албатта, ушбу секторга кўплаб имтиёз ва энгилликлар ва унинг ҳозирги ривожланиш суръатларини сақлаб қолишга аҳамият берилди.

Қолганлар умумий солиқ тизимига ўтказилади. Шу тариқа, биз кўплаб мутахассислар, хоржий экспертлар томонидан давлат иқтисодиёти учун зарарли, деб баҳоланган айланма маблағ — "солиқ касаллиги"дан халос бўламиз. Янги тизимга ўтиш бизнес учун оғир бўлмаслигини таъминлаш мақсадида даромад солиғи, фойдалан олинадиган солиқлар камайитирилди. Бу жуда катта қадам.

Ҳозир исталган одамни тўхтаиб, ишлаб топган пулингиздан давлатга қанча солиқ тўлаяпсиз, деб сўранг, айтолмайди. Қўлига тегадиган, пластик картасига тушадиган пулни айтади. Бу борада ижтимоий тармоқларда, муҳокамаларда жуда кўп баҳс-мунозаралар бўлди. Энди янги қонун бўйича ҳар кимнинг қанча солиқ тўлаши аниқ-равшан белгилаб қўйилди, қўшимча турли солиқ ва йиғимлар бекор қилинди. Бу ҳам давлат томонидан ташланган улкан қадамдир.

Бундан ташқари, ягона ижтимоий тўлов 12 фоиз, деб белгиланди. Бу давлат томонидан, хусусан, Молия вазирлиги томонидан катта энгиллик дейиш мумкин. Чунки бу ерда Давлат бюджетини тўлдириш масаласи ҳам қизғин кўтарилган.

Концепциядан кутилган яна бир нарса — бу барқарорлик. Қондилар ҳамма учун аниқ, бир хил, эртага ўзгариб кетмайдиган бўлиши керак эди. Ушбу концепция билан шунга эришилади.



Ботир ХАДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

— Концепция иқтисодиётимиз барқарорлигининг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Мураккаб даврда концепциянинг жорий этилиши жараёнда марказий идоралар томонидан ҳужжат мазмун-моҳияти бўйича тушунириш олиб боришни тақозо қилади.

Президентимиз томонидан Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилинган иқтисодиётдаги энг муҳим иккита масалани ечиш имконини беради. Биринчиси, мамлакатимизда мавжуд меҳнат ресурсларининг тўлиқ бандлигини таъминлаш. Иккинчиси, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш орқали рақобатдошликни оширишдир.

Ўтиш жараёни, ислохотлар даври, албатта, мураккаб кечади. Дунё таҳрибасининг кўрсатишича, бу жараёнда қайсидир маънода бюджет тақчиллиги ҳам бўлиши мумкин. Олдимизда турган энг асосий вазифа ана шу тақчилликни тўлдирадиган манбаларни қидириб топши ва тўлдирishi ҳисобланади.

Фармоннинг олтинчи бандида вазирлигимизга Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар стратегик режалаштириш ва прогнозлашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ва мазкур Фармон билан белгиланган солиқ тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини инobatга олган ҳолда 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. 27 йиллик тажрибамизда илк бор ишлаб чиқилганда ўрта муддатли мазкур ҳужжат, энг аввало, худудларнинг иқтисодиётини тубдан ўзгартириш билан алоҳида аҳамиятга эга. Яъни у маҳаллий бюджетларга тушумларни кўпайтириш, сармоялардан тўғри ва тўлиқ фойдаланишга қаратилди.

Президентимиз хоржий давлатларга ташрифлари давомида эришилган ҳужжатларга биноан, тахминан 180 та, қиймати 17 миллиард долларлик стратегик лойиҳалар амалга оширилиши керак. Бу манбалар қардан келади? Концепцияда белгиланган имтиёзлар туфайли, албатта. Чунки тадбиркорлик субъектлари солиқлари 15 фоиздан 12 фоизга, банкларники эса 22 фоиздан 20 фоизга туширилади.

Фаолият кўрсатмаётган субъектлар ишини қайта тиклаш орқали яна бир манбаимиз шаклланади. Бунда солиқ концепцияси рағбатлантирувчи роль ўйнайди.

Жамшид КўЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири:



ришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, тизимдаги энг ёмон иллатлар йўқ қилинди. Масалан, корхоналарнинг товар айланмасидан олинмайдиган мажбурий тўловларни олайлик. Яъни айни пайтда корхоналар давлат мақсадли жамғармаларига 3,2 фоиз миқдорда солиқ тўлайди. Ҳўш, бунинг нимаси ёмон, рақам кичкина-ку, дейиш ҳам мумкин. Лекин бу маблағ айланмадан олинади. Демак, корхона эгаси фойда кўради-ми ёки йўқ, уни тўлаши шарт.

Аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг ҳам аҳамияти катта. Негаки бугунги кунда Ўзбекистонда 13 миллион киши меҳнатга лаёқатли. Лекин жисмоний шахс сифатида солиқ тўлайдиганлар эса бор-йўғи 4,5-4,6 миллион кишини ташкил этади, холос.

Иккинчи томондан юрти-мизда пенсия оладиган кишилар сони 3,3 миллион нафардан иборат. Демак, 4,6 миллион одам 3,3 миллион пенсионерни пенсия билан таъминлаши керак. Бу кўпми, камми? Бунақа кўрсаткич энг "қариб" бораётган мамлакат-

ларга хос. Шунинг учун иш ҳақи жамғармасидан солиқ олишни кескин камайитириш белгиланяпти. Бунинг ҳисоби-га иш берувчини ҳам, ишловчини ҳам меҳнатни яширишнинг олдини олишга шароит яратилапти.

Яна бир муҳим масалалардан бири шундаки, бу тадбиркорларни солиққа тортишдир. Яъни асосий солиқ тўловчилар учун бир хил шароит яратилапти. Тан олиш керак, кимгадир солиқ юқи ошади. Лекин бу адолатдан. Чунки солиқ тизимининг асосий тамойилларидан бири адолат ҳисобланади. Иккита корхона бир хил даромад олиб, икки хил солиқ тўлаши тўғри эмас.

Бундан ташқари, Солиқ кодексимиз ҳақида ҳам жуда кўп танқидий фикрлар айтишимиз мумкин. Уни қарайдиган бўлсак, бирорта солиқ ставкаси ҳусусида маълумот йўқ. Яъни ҳаммасини ҳар йили бир қарор билан белгиланганми.

Президентимиз Фармонининг тарихийлиги шундаки, йил охиригача халқро андозаларга жавоб берадиган Солиқ кодексини ишлаб чиқиши ва амалга киритилиши, унда ҳамма ставкалар аниқ кўрсатилиши белгилаб берилди.

Бехзод МУСАЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:



— Бундан бир муддат муқаддам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Солиқ қўмитаси раисининг ўрнатилиши вазифаси қўйилди.

Республикада икки турдаги солиқ принциплари бор. Икки турдаги юридик шахс бор. Умумийлиги билан солиқларни тўловчилар ва энгиллаштирилган ягона солиқ тўловчилар. 2005 йилда ягона солиқ жорий қилинганда битта мелион киритилган эди. Яъни 50 нафаргача ишчилари бўлган корхоналарга энгиллаштирилган ягона солиқ

тўлаш имтиёзи белгиланган эди. 2011 йилга келиб, ишчилар сони 100 нафаргача, 2014 йилда ишчилар сони 200 нафаргача кўпайтирилди. Эътибор қаратадиган бўлсак, бу мезон киритилгунча қадар 73 фоиз солиқ тўловчилар умумийлиги билан солиқларни тўлаган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич қарийб 3 фоизни ташкил қилапти. Ишчилар сонига нисбатан белгиланган имтиёз ҳодимлар реал сонини яшириш, олий маошини топшириш бериладиган эди. Бу жараёнда олдимизда солиқ ислохоти учун ҳар бир қадамни ўйлаб босиш, етти ўйлаб бир кесиш, энг асосий, адолатли тамойилни ўрнатилиши вазифаси қўйилди.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, эндиликда умумий белгиланган солиқ тўлов тизимига ўттирмаз.

Қўшимча қиймат солиғи бизга нима беради? Бу қўшимча юк бўлмайди? Бугун юртдошларимизда шу каби кўплаб саволлар пайдо бўлапти. Аксинча, бу солиқ юқининг қайишига, махсус танларнинг ошиб кетмаслигига олиб келади. Чунки илгари ҚҚС ишлаб чиқарувчидан тортиб, то истеъ-

моличга етиб боргунига қадар барча босқичларда ушланган.

Яширининг ҳолати йўқ. Бугунги кунда солиқ ҳисоботлари ниҳоятда кўп. Масалан, биргина фойда солиғи ҳисоботида 17 хил илова мавжуд. ҚҚС ҳисоботида эса 11 илова, мол-мулк солиғида 12 та илова бор. Яъни шундай чалқаш тизим яратилганки, бунинг уйдасидан чиқиш учун солиқ тўловчининг етук бухгалтер бўлмаса, иш юриштида турли мураккабликлар келиб чиқади.

Ҳозир олдимизга энгил, содда ҳисобот турлари ҳамда уларни автоматик равишда тўлдирishi учун қулайликлар яратиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда Жанубий Кореядан мутахассислар жалб этилди, бундан ташқари, бир гуруҳ мутахассисларимиз Россияда бўлиб, айни масалани ўрганиб қайтидилар.

Шулардан келиб чиқиб, ҚҚСнинг электрон ҳисоб-фактурасини яратиш устида қаттиқ ишлаяпмиз. Буларнинг бари одамларнинг даромади кўпайишига, бизнес субъектлари ривожланишига, иқтисодиётимиз мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича

Амалдаги ҳолат
(прогрессив шкала)

ЭКИХнинг 1 бараваригача — 0%
ЭКИХнинг 1 дан 5 бараваригача — 7,5%
ЭКИХнинг 5 дан 10 бараваригача — 16,5%
ЭКИХнинг 10 баравардан юқориси — 22,5%

Ўзгаришдан сўнг
(қатъий шкала)

12%

** Ижтимоий муҳтож аҳоли қатламлари учун солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор (ЭКИХнинг 4 баробари) сақланиб қолмоқда.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали бўйича

8%

0%
4,6 триллион сўмга ошмоқда.

* Мазкур ўзгаришлар натижасида аҳоли реал даромадлари

Адхам ИКРАМОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

— Шунинг айтиши керакки, концепция мамлакатимиз тараққиётининг янги давридаги учта энг муҳим воқеалардан биридир. Биринчиси, бу 2017 йил 5 сентябрда миллий валютанинг конвертацияси очилгани бўлса, иккинчи муҳим ҳолат давлат органлари ва халқ ўртасида ҳеч қандай тўсиқсиз мулоқот жараёнларининг йўлга қўйилганлигидир. Бугун ҳам Халқаро пресс-клуб томонидан ташкил қилинган мазкур анжуманда давлат органлари вакиллари билан аҳоли, хусусан, бизнес доиралар вакиллари ўртасидаги ана шундай мулоқотга, баҳс-мунозараларга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Афсуски, биз кўп йиллар давомида кичик бизнесни шундай "бурчакка қамаб" қўйганидек, жуда ноқулай шароитларда кун кўришига мажбур қилгандик. Давлат солиқ



қўмитаси томонидан эълон қилинган рақамларда ҳозир республикадаги хусусий корхоналарнинг 2,8 фоизигина умумий солиқ тизимида фаолият юри-таётгани маълум бўлди. Қолган эса йириқлаша олмапти, аксинча, яна ва яна бўлиниб, ўша 5 фоизли ягона солиқни тўлаш учунгина "кичик бизнес" шаклида қолмоқда.

Ўзига хос мувозанат сақланган, адолатли, умумий солиқ тартибига чиндан ўтган корхоналар учун

кўплаб имтиёзлар кўзда тутилган янги концепция бўйича ана шундай корхоналар очик фаолият юритишга утадилар.

Аммо бунинг учун ҳали яна кўп иш қилиш керак бўлади. Солиқ органлари тамомилан янги ҳисоб-китобни таъйинлаш, бу ислохотларни амалиётга изчил татбиқ қилиш керак. Бинобарин, ушбу тадбирларнинг барчаси Президент Фармонда мuddатлари аниқ кўрсатилган ҳолда белгилаб берилган.

Ўзбекистон ўзининг бой табиий ресурслари, улкан агросаноат комплекси, тўқимачилик саноати, умуман, диверсификациялашган иқтисодиёти билан тараққиётнинг юқори суръатларига чиқиши учун жуда катта имкониятларга эга. Адолатли, мукамал ишловчи солиқ тизимини йўлга қўйиш бу йўлда энг муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Дилшод УЛУМҲУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Суратлар Халқаро пресс-клубдан олинди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фаройиб манзарадан ёқа ушлайсиз...

...Ғиждун туманидаги Лабируд қишлоғида яшовчи Мўстабар Аминова саломатлиги ваҳидан ҳудуддаги тиббиёт масканига келди-ю, бу ерда ҳеч қандай учрата олмай, бир зум иккиланиб қолди.

— Қон босимини текширтгани келганди, — дейди у. — Бирорта ҳам дўхтир йўқ. Энди нима қилсам экан?

Маҳбуба опанинг ташвишини “Сармижон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳриддин Баҳодировга билдирди. Оқсоқол зудлик билан ёрдам кўрсатишга ваъда берди. Аммо бир эҳтиёжманд кишининг ташвишини енгил қилиш учун муҳбирнинг келишини кутиш керакмиди?

Қишлоқда электр энергияси таъминоти яхшиланган. Аммо Лабирудда ичимлик сув муаммоси бор. Йўлларнинг аҳолига қараб бўлмайдди. Таассуфки, бу масалалар ечимига ҳали қилинмаган эмас. Табиий газ таъминотини-ку айтмай қўя қолайлик. Нафақат Лабируд, балки ён-атроф-

қурилган бинолар, кўчаларни берки-тиб қўйган деворлар бузиб ташланди. Йўллар кенгайтирилипти. Аммо шу билан барча муаммо ўз ечимини топса, қани эди...

Кўролос маҳалласига қираверишдаги жарлик ёқасига соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бюсти анча йиллар олдин ўрнатилганди. Узок йиллик қаровсизлик туфайли бу ер ташландиқ ҳолатга келиб қолган. Тарвақайлаб ўсган дарахт шохлари бюстни тўсиб қўйган. Буюк бобомиз хотирасига бундай муносабатни кўриб, ачиниб кетасан, киши. Мустақиллик маҳалласи ҳудудид-

харитаси” асосида бажариладиган ишларни белгилаб олганмиз. Лекин ҳали кўлимизда аниқ белгиланган ҳужжатлар йўқ. Тез кунларда олиб келинишидан умид қилиб турибмиз.

Кўп қаватли уйлар ёнида ноқонуний қурилган 78 та бино, 38 та темир тўсиқ олиб ташланди. Улар ўрнида 4 та замонавий типдаги тандирхона ва ўчоқлар, 7 та болалар майдончаси қурилади. 2,5 километрлик ичимлик суви тармоғи янгиланади.

Олиб бориладиган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида маҳалла раисидан шахар ҳокими қарори

Мутасаддига дакки керакми?

“Обод қишлоқ” дастурида белгиланган ишлар ижроси билан танишиш мақсадида Жарқўрғон туманидаги Какайди кўрғонига бўлидик. Ҳудуддаги “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғинида 612 та хонадон мавжуд бўлиб, аҳоли сони 3112 нафарни ташкил этади.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида дастлаб маҳалла фуқаролар йиғини биноси томон йўл олдик. Атрофи



чиқилиб, уни амалга ошириш учун кенг жамоатчилик фаол иштирок этаётгани бор гап. Шунинг асосида аксарият ноқонуний иншоотлар бузиб ташланиб, кўчаю гузарларни саранжомлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Аммо бузилган иншоотлар ўрнига янгисини қуриш, қурилиш, таъмирлаш ишларини бажариш учун ҳашар уюштириш, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш, ҳудудларни обод қилиш ишларига маҳалла раҳбарлари, туман жамоатчилигининг бошқоқ бўлиши учун кимнинг давватию даккиси даркор?

Маҳалла ҳудудидаги биттагина ижтимоий соҳа иншооти — 11-сонли мактабгача таълим муассасаси “Обод қишлоқ” дастурига биноан таъмирланиши белгиланган. Лойиҳага кўра, бинонинг том қисми, ички ҳамда ташқи фасади, пол, эшик дераза ромлари ва иситиш тизимини алмаштириш каби юмушларни бажариш учун 750 миллион сўм талаб этилади. Қурувчилар белгиланган қурилиш-монтаж ишларини ўз муддатида бажариш учун астойдил интилаётган бўлишса-да, молиялаштириш ишларидаги бепарволик уларни ташвишга солиб қўйган.

— Қурилиш ишларини тез ҳамда сифатли бажаришга ҳаракат қилганимиз, — дейди “Ифтихор мелиорация” МЧЖ раҳбари Одил Тожиев. — 140 ўринли боғча биносини таъмирлашга киришганимиздан буён, бор-йўғи, 210 миллион сўм молиялаштирилди, холос. Маблағ етишмаётгани учун иш суръати кун сайн пайсамоқда. Вилоят ягона бюртмачи инжиниринг компаниясига бу ҳақдаги мурожаатларимиз жавобсиз қолмоқда.

“Обод қишлоқ” дастури амалга оширилаётган Бобур ҳамда Нефтчилар маҳалласида жойлашган икки қаватли уй-жойларнинг аксарияти ўтган асрнинг 30-йилларида қурилган бўлиб, бугунги кунда маънан эскирган. Бу иншоотларни бузиб, ўрнига янги тураржойлар қурилиши белгиланган эди. Айни пайтда мазкур уйлар атрофидаги ноқонуний тикланган ёрдамчи ҳўжалик иншоотлари тўлиқ бузиб ташланган. Бирок янгисини қурмай, эскисини бузган аҳоли вакиллари ўзлари дуч келаётган қийинчилиكنи айтиб бизга шикоят қилишди.

— Фойдаланаётган хожатхона ва чўмилиш хоналаримиз бузиб ташланганига ҳам 2 ойдан ошди, — дейди Мустақиллик кўчасидаги 5-уйда яшовчи Зиёдулла Эшмуродов. — Бундай шароитда қандай кун кечирши мумкин. “Обод қишлоқ” дастури туфайли амалга оширилаётган ишларга биз ҳам хайрихоҳмиз. Лекин маҳаллий ҳокимликларнинг лоқайдлиги, ўзибўларчилиги бизни қийин аҳволга солиб қўймоқда. Бузилиши керак бўлган уйлариимизни баҳолаш, шунинг асосида етказилган зарарни тўлаб бериш ишлари қачонгача чўзилиши мумкин? Ахир бундай шароитда қандай билан ҳал этишининг имкони бор-ку? Телевизор орқали Жиззах вилоятининг Манас қишлоғида амалга оширилган ишларни кўриб, “Улкан ўзгаришлар энди бизнинг ҳудудимизда ҳам бўй кўрсатади”, деган умидда эдик. Афсуски, маҳалламизни обод қилиш учун апрель ойида бошланган ишлар ҳали-ҳамон ўлда-жўлда.

ЯХШИДУР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ лек ширин ёлғон ёмон

Иложсиз қолган аёл аста ортига қайтди. Биз эса маҳаллий аҳоли кўмағида “Обод қишлоқ” дастурига кирган ушбу манзил шифокори Салойиддин Аҳадов билан кўнгирақлашдик. У бу маскан айна дамда 63-қишлоқ оилавий поликлиникасининг филиали эканлигини, беморлар ўша поликлиникага боришлари зарурлигини билдирди.

Суриштирсак, вазият буткул бошқача. Бино реконструкция қилиниши муносабати билан филиал “бошпанасиз” қолибди. У бир муддат ҳудуддаги қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежига кўчган. Коллежда эса шифокорларни кутиб турган анюйи йўқ экан. Ҳуллас, филиалдагилар кўч-кўронларини кўтариб, аввалги жойларига қайтишибди. Асбоб-ускуналарни омонат бир хонага жойлаштирган саломатлик посбонлари ҳали иш тугашига уч соат вақт бўлишига қарамай жуфтакни ростлашган.

Шу далилнинг ўзиёқ қишлоқдаги тиббий хизмат аҳоли қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди.

— Тиббиёт масканимизни тезроқ ишга тушириб беришса, яхши бўларди, — дейди қишлоқ фаоли Садриддин Ҳақризов. — Ҳудудимизда 1700 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Иссиқ жон-да, бировнинг касал бўлиши бор. 63-қишлоқ оилавий поликлиникасига келсак, у ҳудуддан чамаси 7-8 қақирим олисда.

Отахоннинг куйинганича бор. Лабируд “Обод қишлоқ” дастури асосида замонавий қиёфага келтирилган бўлди-ю, поликлиника филиалининг эскирган биносини таъмирлашга киришдилар. Аммо аҳолининг қувончи узокқа чўзилмади. Қурувчилар ишни чала ташлаб кетишди. Маблағ йўқ эмиш. Қисқаси, турган-битгани ўзибўларчилиқ.

46-мактабгача таълим муассасаси-дамиз. Бу ерда ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини айтишди. Аммо боғчада пашша учса эшитилади. Қурувчилардан дарак йўқ.

— Бешта гуруҳимиз бор, — дейди тарбиячи Дилфуза Аслонова. — Учта хонадонга кўчиб чиққанмиз. Шунга ҳам бир ойдан ошди. Давлатимиз раҳбарига раҳмат. Соҳага бўлган катта эътибор туфайли ота-оналарнинг муносабати ҳам яхши томонга ўзгарди. Ҳозир боласини боғчага бериш учун 80 киши навбат кутмоқда. Муассасамиз ўзи 90 ўринга мўлжалланган. Билишимизча, қурилиш-таъмирлаш ишларидан кейин ўринлар сони 135 тага етказилади.

Лабируд — катта ариқ бўйида жойлашган қишлоқ. Уйлар шу ариқ бўйлаб пала-партиш қурилган. Тахминан 30 фоиз аҳоли уйининг том қисми шиферланмаган. “Обод қишлоқ” дастурига киритилган, тураржойлар ташқи фасади бир хил тусда бўлди.

— Ёлғиз яшайман, — дейди ўзини Маҳбуба Қиличева дея таништирган аёл. — Турмуш ўртоғим ва ўғлимдан эрта айрилиб қолдим. Шароитим огир. Йўл бўйидаги айвонимнинг томи чўккан. Ёрдам сўраб маҳаллага мурожаат қилдим. Ҳозирча ҳеч қандай кўмак кўрсатилгани йўқ. Сизга очигини айта қолай, уйимга казозкалар келиб, катта ваъда бериб кетишди. Аммо шу айвонни тиклаб берадиган мард топилмапти.

даги минглаб аҳоли яшаётган Гаждумак, Кўлижаббор, Жогари каби қишлоқлардаги хонадонларга кирсангиз, сиз учун фаройиб, бу қишлоқлар аҳли учун эса одатий манзарага кўзингиз тушади: одамлар қиш ғамида чорва ғўнгидан таппи тайёрлашпти.

“Обод қишлоқ” дастури каттаю кичикнинг кўнглига илиқлик олиб кирди. Қалбларда “Эртамиз бугунимиздан ҳам яхшироқ бўлади”, деган умид учкунлари пайдо бўлди. Лекин ўзибўларчилиқ, лоқайдлик, кўзбўямачилик одамлар орзу-ниятларини саробга айлантириши ҳеч гап эмас.

Дастур ижросига масъул мутасаддилар шуни унутмасалар бўлди.

Раҳбарлар учун энг яхши баҳона

Шу кунларда Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани марказидаги Мустақиллик, Кўролос маҳаллаларида “Обод маҳалла” дастури доирасида бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. 744 та хонадон мавжуд иккала маҳаллада йиллар давомида муаммолар тўпланиб қолган. Уларни бартараф этиш мақсадида хайрли ишлар бошланган. Хусусан, Кўролосда битта мактабгача таълим муассасасининг қурилиши бошланган. 77-умумтаълим мактабида 120 ўринга мўлжалланган қўшимча бинолар қуриляпти.

Бундан ташқари, Мустақиллик маҳалласидаги 82-умумтаълим мактаби тўлиқ капитал реконструкция қилинмоқда. Шунингдек, мазкур маҳаллаларнинг ҳудудларида 2 та хусусий мактабгача таълим муассасаси, 20 ўринли меҳмонхона, 2 та ҳаммом, битта хусусий клиника, 2 та полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш цехи, битта минифутбол майдони, 30 та маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси қурилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бир қарашда, ҳаммаси силлиқ, ўз ўрнида кетаётгандек... Бироқ ушбу маҳаллаларга борганимизда, ишлар номига қилинаётгани, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини кўрдик. Мустақиллик маҳалласидаги 7 та 2 қаватли уйда 120 хонадон мавжуд, уларда 383 нафар аҳоли яшайди. Узок йиллардан буён бу ердагиларни ичимлик суви муаммоси қийнаб келади. Суви ташиб ичшига одамлар кўникиб ҳам қолишган.

Қолаверса, бу уйларда канализация тизимининг ишламаётганлиги аҳолига қатор ноқулайликлар туғдирмақда. Ёз кунлари тураржойлар атрофида тарқаладиган бадбўй хидга чидаб бўлмайди. Лекин шундай шароитда ҳам одамлар мажбур яшашмоқда.

— Канализация учун лойиҳа қилинган, — дейди уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Азамат Бегматов. — Маблағ бўлмаганлиги боис режаларимиз қоғозда қолиб кетаяпти. Иситиш тизими ҳақида эса гапирмай ҳам қўйдик. Қишда ёш болали оилалар жуда қийналишади. Шуларни кўриб, баъзида эзилиб кетаман. На илож, кўлимиз калталик қилади.

Маҳалла ҳудудидаги пала-партиш

ги кинотеатр биносининг ҳолига эса бугун маймулар йиғлайди. Бир пайтлар гавжум бўлган ушбу маданият ўчоғи айни пайтда хувиллаб ётибди. Одамлар харобалашиб, хилват жойга айланиб қолган мазкур ҳудудга яқинлашишга ҳам кўр-қишади. Кинотеатр аввал хусусийлаштирилди. Кейин яна “Ўзбекино” Миллий агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими тасарруфига қайтарилди.

Ушбу идора мутасаддиларининг айтишича, мазкур бино таъмирлаш учун дастурга киритилган. Бироқ амалий ҳаракат кўзга ташланмади. Дастур бошқа, ҳаёт бошқа бўлиб қолаётганлиги ажабланарли. Энг кизиги, туман марказида жойлашган, шаҳарнинг умумий манзарасига соя солиб турган кинотеатр негадир раҳбарларнинг назаридан четда қолмоқда.

Қўшработ тумани марказидаги яна бир қизиқ ҳолат. “Обод маҳалла” дастурига киритилган, қолаверса, тозалик-озодаликка масъул бўлган давлат санитария-эпидемиология назорат маркази биносининг авария ҳолати кишини ташвишга солади. Бу ҳақда газетамиз сайтида “Ўз калтаги билан ўзининг савала” сарлавҳали мақола ҳам эълон қилинган. Ушбу идоранинг янги биносини қуриш бўйича 1994 йилдан буён юқори идораларга мурожаат этилди. Хар йили дастурга киритилади, лойиҳа ҳужжатлари тайёрланади. Амалий ҳаракатга келганда эса, туюни қарбалода топ...

Яқинда газетамиз сайтидаги танқидий мақоладан сўнг соғлиқни сақлаш вазири қўшработликларга яна

ёки бошқа бирорта ҳужжатни сўрадик. Бироқ ҳозирча қарор йўқлиги ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар шалба бўлишини айтди. “Обод маҳалла” штабига бордик. Афсуски, соат 15:30 бўлишига қарамасдан, бу



ерга бирор мутасадди ақалли дўпписини қўйиб кетмабди...

Маҳалла ҳудуди жанг майдонини эслатади. Бузиш ишларини ким қандай хоҳласа, шундай давом эттирган. Тузатишга киришганлар ўзлари билан овора.

— Оиламиз билан шу маҳаллада яшаётганимизга 25 йилдан ошди, — дейди Шоира Дониёрова. — Ишдан қайтсам, ҳовлимизнинг ўртасидан бошлаб тўртта қўшимизнинг уйлари ҳам бузиб ташланган. Жуда хайрон қолдик. Кўлимизда кадастр ҳужжатлари



бир жимжимадор жавобни йўллабди. Унда таъкидланишича, мазкур идоранинг янги биноси қурилиши 2019 йил режасига киритилибди...

Ишқилиб, вазир ўз сўзининг устидан чиққунича авария ҳолатидаги бинода бирор фалокат рўй бериб, унда фаолият юритаётган соғлиқимиз посбонларига зарар етмасин-да! Қўшработнинг шароити огир. Муаммолар талайгина. Уларни ҳал қилиш йўлида айрим савй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Бу жараёнда ҳам ҳамма нарса маблағга бориб тақалғач, дастурлар қоғозларда йиғлаб қоляпти. Мутасаддилар учун эса баҳона тайёр. “Айб бизда эмас”, деб аста юқорига имлашади. “Чорасини топанам”, деб интилса, қўл қовуштириб ўтирмаса-ку, иш битади-я. “Олма пиш, оғзимга туш” қабилидаги боқибегамлик касофатидан бошқа нарса эмас-да бу ҳол.

“Обод эмас, вайрон қилишмоқда...”

Жиззах шаҳридаги Ёшлиқ маҳалласида ҳам дастур доирасида ишлар бошлаб юборилди. Маҳаллада 4 минг 690 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ҳудудда 37 та кўп қаватли уй мавжуд.

— Кўп қаватли уйлар ёнига ноқонуний қурилган қўшимча биноларни бузишга жорий йилнинг 20 майидан киришгандик, — дейди МФЙ оқсоқоли Аҳрор Баратов. — Ишлар жадвал олиб борилмоқда, “Йўл

бўлса... Шунча йил шу уйда яшадик. Бирор киши ноқонуний қурилган уй ёки иморат демади. Биз энди нима қилишни билмай, хайроню лолмиз.

— Жиззах шароитида битта дарахт кўкартириш ва уни парвариш-лаш осон эмас, — дейди шу маҳаллада яшовчи фуқаро Сайёра Мўминова. — Ҳовлимиздаги дарахтларни ҳам кесиб ташлашмоқда. Қўлимизда давлат тасдиқлаб берган кадастр ҳужжатлари бўлса-да, додимизни эшитадиган бирор одамни излаганимиз излаган. Маҳалламизни обод эмас, вайрон қилишмоқда.

Маҳаллада ва шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ичимлик суви ҳамда канализация масалалари огир аҳволда. 1982 йилда қурилган шахар оқова сув тозалаш иншооти фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган, фаолияти 2012 йилда батамом тўхтатилган. Натихада шахардан қабул қилинаётган оқова сувлар талаб даражасида тозаланмасдан Улгурсой каналига ташланиши оқибатида оқова сув тозалаш иншооти ҳудудидан бадбўй хид таралмоқда. Бундан, айниқса, шу ҳудудда яшаётган аҳоли азият чекади. Қолаверса, оқова сувларнинг тозаланмаслиги шаҳарнинг санитария ва экологик ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти.

Гапнинг индаллоси, кўр-кўрона, ҳеч бир аниқ режа ҳамда ҳужжатларсиз бошланган ишдан аҳоли норози.

Номигагина илиб қўйилган яроқсиз пешлаваҳ бино ичкарасидаги тартибсиз фаолиятга гўё кўзгу тутгандек бўлди. Шу боис таъмирга муҳтож бинодаги тартибсиз ҳолатларга парво қилмасликка уриндик.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Норбой Бобомуродовдан маҳалла ҳудудида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўрадик.

— Ҳозиргача 1,5 километр ичимлик суви тармоғи тортилди, 67 та бетон симёғоч ўрнатилди, 2,8 километр масофадаги электр линиялари тўлиқ янгиланди, — дейди маҳалла раиси. — Шунингдек, 3 та трансформатор капитал таъмирланиб, аҳоли хонадонидидаги 38 та электр ҳисоблагич янгисига алмаштирилди.

Маҳалла оқсоқоли шу ва бошқа маълумотлар ёзилган қоғозларни кўлимизга тутқазаркан, бир оз мақтангандек ҳам бўлди. Аслида ўз-қоғонга олиб бораётган бино атрофида оддий ободонлаштириш ишларини ҳам ташкил эта олмаган раиснинг бу мақтовлари қулғимизга хуш ёқмаганлигини билдирмай қўя қолдик. Ҳудуддаги аксарият ноқонуний иншоотлар бузилганлиги туфайли кўрмисиз манзара касб этган маҳалла оралаб юрарканмиз, хонадонлар атрофидаги чала қурилиш ишлари, одамлар кайфиятидаги синиклик бизнинг ҳам руҳиятимизга кўчиб ўтди.

— Турмуш ўртоғимдан ажралиб, 4 нафар фарзандим билан зўрга кун кўрапмиз, — дейди “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини, Гафур Фулом кўчаси, 3-уйда яшовчи Шоира Холёрова. — Автомобиль йўли ёқасига яқин жойда қурилган деворларимиз бузиб ташланганига уч ойдан кўп вақт бўлди. Ички ҳовлимни тўсиб қўйиш учун хом гиштарни вақтинча бўлса-да, қалаб қўйибман. Мен камби боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилага ёрдам берадиган борми, деган уй билан ҳар куни йўл қарайман. На маҳалла раиси, на туман ҳокимлиги вакиллари келиб, ёрдам берай дейди. Кимдан мадад сўрашга ҳам хайронман... “Обод қишлоқ” дастури ишлаб

Шу йил 27 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда мамлакатимиз ҳудудларида бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кескин танқид қилинди. Дастурларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш юзасидан қатъий назорат механизмини қучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида ҳар бир туман ва шахар бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ҳамда уй-жойлар, ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишини ташкил этиш юзасидан “тармоқ жадалини” тасдиқлашга кўрсатмалар берилди. Бундан кўзланган мақсад эса битта — эл-юрт ободлиги, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада таъминлашдан иборатдир.

Истам ИБРОҲИМОВ, Мамоднёв ЗИЁДИНОВ, Толибжон ЭРҲАШЕВ, Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари.



Халқ сўзи
Народное слово
Йўлланмаси билан

Хар бир инсон учун туғилиб ўсган, камолга етган масканидан азиз ва қадрли жой йўқ. Яқинлар, қариндош-уруғ, дўст-ёрлар, қўни-қўшилларнинг меҳр-оқибати ўз Ватанинг — кўз очиб кўрган заминингта бўлган муҳаббатни янада оширади, мустаҳкамлайди.

“Ўзга юртнинг боғи билан боғчаси, ўз юртининг янтоғича бўлолмас”. Аммо биз хизмат сафари туфайли гини бир, маданияти, санъати, урф-одатлари ўхшаш Озарбайжонда бўлганимизда, ўзимизни хуғду Ўзбекистонда юргандек ҳис қилдик.



Хусейн Курдўғли, Мамад Аслан, Рамиз Равшан, Рустам Беруди ҳамда бошқа озарбайжон шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, китобхоналар ҳужмага ҳавола этилди.

ТАРИХИ МУШТАРАК, ИЛДИЗИ ТУТАШ, УРФ-ОДАТИ ЎХШАШ

“Ўзбекистонликларга ҳавас қиламан!”

“525-Qazet” — Озарбайжонда ҳафтада беш марта чоп этиладиган расмий нашр. Асосан, парламент ҳаётини ёритадиган мазукур газета бош муҳаррири Рашид Махид бизга ҳамроҳлик қилди.

ят билан бойиб, юқори босқичга кўтарилаётганидан ҳар биримиз мамнунмиз. Биз, бир гуруҳ Парламент аъзолари 2017 йилнинг куз фаслида Ўзбекистонда бўлдик.



— Мен Ўзбекистонга, ўзбекистонликларга ҳавас қиламан, — дейди у. — Халқингиз очик-кўнгил, самимий ва меҳрибон.

Боку шаҳрида “Бухоро карвонсаройи”

...Озарбайжон пойтахти — Боку кўчалари бўйлаб сайр қилар экансиз, бу ерда жуда кўпга сайёҳларни учратасиз. Бу бежиз эмас.

— Озарбайжонда ҳафтада беш марта чоп этиладиган расмий нашр. Асосан, парламент ҳаётини ёритадиган мазукур газета бош муҳаррири Рашид Махид бизга ҳамроҳлик қилди.

“Ота эккан даррахтни фарзанд ўстиради”

Турли йўналишларда икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳусусида сўз борар экан, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутаты Ҳамид Бобоўғли шундай дейди:



Самарқанд ва Хива ҳайрати

Тарихий шаҳарлар — Ганжа, Шуша, Гобустон, Нахичевандаги кўҳна обидалар ҳам доим сайёҳлар билан гавжум.

Хамроҳларимиз бизни ўша маълуму машҳур Каспий денгизи бўйлаб томошага тақлиф этишди. Китобларда ўқиб, киноларда кўрганамиз — Каспий денгизига етиб борганимизда, унинг ҳозирасида бир ҳайратлансак, сув тарихида инсон организми учун жуда кўпга фойдали элементлар борлигини эшитиб, қизиқишимиз янада ортди.

Руслан ГУЛИЕВ, Озарбайжондаги “Тиббиёт туризми” компанияси президенти, Озарбайжон туризм ва менежмент университети ўқитувчиси:

— Ўзбекистон мутлақо бошқача. Шунча мамлакатдан олган таассуротларим бу тарафда Самарқанд, Хива, Бухородаги ҳайратлар бир тараф. У ердаги тарихий обидаларнинг салобати, улгуворлиги, сианоити одамни сеҳрлаб қўяди.

Аммо Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухалиқ Гўлмуҳаммаднинг мажмуасига оқиб келаётган одамларни кўриб, бениҳоя таъсирландик. Президент Шавкат Мирзиёевнинг туризм соҳасидаги ислохотлари, кириш ҳамда ички туризмини ривожлантиришга оид ташаббуси бежиз эмаслигини англаб етдик.

“Алишер Навоий асарлари Озарбайжонда меҳр ва муҳаббат билан ўқилади”

Ўзбек ҳамда озар ҳусусида сўз очилса, аввало, адабиётимиз ва санъатимиз тилга олинади. Тошкентда Низомий номидаги университет фаолият қўйсатаётган бўлса, Бокуда Алишер Навоий ҳайратли бор.

Навоий ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда таникли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, академик Ҳамид Ораслининг хизматлари беқиёсдир.

— Ҳазрат Алишер Навоий асарларига муҳаббат менга отамдан мерос, — дейди Озарбайжон Фанлар академияси Низомий номидаги Адабиёт институти профессори Нушоба Орасли.

Ўзбекистонни табаррук диёр, дея алоҳида эъзоз ҳамда ифтихор билан тилга оларди. Не бахтки, менга ҳам мана шундай муаззам юртга бориш кўп бор насиб этган.



Ҳам макон, ҳам замон билан доимо ҳамоҳандир. Қувончимиз шундаки, бобокалонларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқалари бугун янгича мазмун-моҳият касб этиб бормоқда.

Адабиёт эзгулики чорлайди

Истиқлол туфайли ҳар икки давлатда олимларнинг бадий ва илмий меросини тиклаш, уларни кенг тарғиб қилиш имконияти туғилди.

АНОР, Озарбайжон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар бирлиги раиси:

— Адабиёт — улкан бог. Бу богда мева ҳам, соя ҳам, чирой ҳам бор. Шу боис у ҳаммани ўзига чорлаб, қалбларни эзгуликка даъват этади.



Дўстликни мустаҳкамлашда, азалий ришталарни чандон кучайтиришда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Тарихга эътибор қаратсак, ота-боболаримиз бошқа бир мамлакат ҳақида, аввало, унинг шоир ва ёзувчилари, уларнинг шеър-ғазаллари орқали билишган.

Соғинчга айланган хайрлашув

Айтинг, бу қадар ширинсуханлик, иззат-икромдан кейин ўзбек бошқа, озар бошқа дегингиз келадими? Тўғри, бизни масофа ажратиб турар, аммо дину диндан, тилу забон, юз-чехраимиздаги ўхшашлик азалдан то абадга қадар эту тирноқлимизга, бир-биримизга ҳайрхоҳлигимиздан дарак.

Табиики, ҳар бир меҳмон Озарбайжонни ўзича кашф этади. Ҳар галги таширф чоғида бу мафтункор диёр ўзининг янги-янги қирраларини намоян этаверади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» махсус муҳбири. Тошкент — Боку — Тошкент

Ўзбекистоннинг ташаббуслари:

КОНСТРУКТИВ ВА БАРЧА УЧУН МАНФААТЛИ

Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши...

Саммит доирасида кенгайтирилган таркибда бўлиб ўтган мажлисда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

конструктив ва барча учун бирдек манфаатли таклифлар ижобий кутиб олинди. Ўз навбатида, халқаро экспертлар томонидан кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

санъат асарлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ушбу глобал бозорга дадил кириб бориш ва муносиб ўрин эгаллаш учун барча омил етарли.

Бунинг учун юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мукаммал электрон тижорат майдонларини ишга тушириш, В2В (бизнесдан бизнесга), В2С (бизнесдан истеъмолчи) платформаларни яратиш, тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларни эса виртуал бозорга кенгроқ қилиш талаб этилади.

ШАРҲ



Маърифат жаҳолатни мағлуб этади

Аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этувчи Марказий Осиё минтақаси учун бу масала доим долзарб бўлиб келган.

эса Ёшларга қўшма мурожаат ва унинг қондалари ижроси бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланганини маълум маънода Ўзбекистоннинг дипломатик ютуғи, дейиш мумкин.

Савдо тартибини соддалаштириш — иқтисодий интеграция асоси

2016 йилда ҳажми 74 триллион долларни ташкил қилган жаҳон иқтисодиётининг 20 фоизи, яъни 15 триллион ШХТ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди.

ШХТнинг ташкилий жиҳатдан шаклланиш жараёни ўз низоюсига етди. Ташкилот ҳудуди кенгайиб, унинг қошида Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро уюшма сингари тузилмалар фаолияти йўлга қўйилди, минтақада банк-молия тизими, бизнес муҳити ривожланмоқда.

Аммо бунинг учун тўсиқ бўлаётган бир жиҳат борки, у ҳам бўлса, йиғилишда Президентимиз томонидан айрилган экспорт-импорт тартибларини соддалаштириш ҳамда давлат-хусусий шерикчилик асосида агросаноат кластерларини шакллантириш таклифидир.

Марказий Осиёдаги қўшниларимиз билан, шунингдек, ШХТ бўйича ҳамкор

Россия ва Хитой давлатлари билан ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичларида юқори суръатли ўсиш кузатиляпти. Шубҳасиз, бу давлат раҳбари томонидан бошланган божхона ва чегара тартибларини соддалаштириш сиёсати, фаол прагматик дипломатия натижасидир.

ШХТ макони — қитъаларни боғловчи чорраха

Ҳозирги кунга келиб, ШХТнинг дунё транзит бозорида нақадар катта салоҳиятга эга эканлигини, минтақада транспорт-логистика бўйича аниқ мақсадли, йирик лойиҳалар амалга оширилса, океанларга тўғридан-тўғри чиқа олмайдиган Марказий Осиё ёпиқ минтақадан Европа ва Осиё ўртасидаги ўта муҳим транспорт чорраҳасига айлана олишини барча эътироф этмоқда.

Хитой ташаббуси билан жадал олиб борилаётган "Бир макон, бир йўл", Қозғистон томонидан бошланган "Нури жол" лойиҳалари, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл магистрали, Хитой — Покистон иқтисодий йўлига доирасида амалга оширилаётган ишлар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур масалада аниқ таклифлар берди. Хусусан, булар: Ўзбекистонда аёзо давлатлар темир йўли идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш ҳамда ШХТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини таъсис этиши.

Илғор гоялар ва юқори технологиялар — тараққиёт омили

Бу масалада гапирар экан, Президентимиз рақамли иқтисодиётни биринчи ўринда тилга олгани бежиз эмас, албатта. Утган йили ялпи электрон тижорат бозорининг ҳажми 2,3 триллион долларни ташкил этди, иқтисодчилар медиа, мобил алоқа, интернет ривожининг бугунги суръатлари билан мазкур кўрсаткич 2021 йилга бориб 4,4 триллион долларга етишини тахмин қилмоқда.

Жаҳон сайёҳлик минтақасига айланиш имконияти

2017 йил давомида халқаро туризм бозорида 1 миллиард 322 миллион нафар сайёҳ рўйхатга олинди, жаҳон иқтисодиётидаги тушум ва иш ўринларининг 10 фоизи туризм саноати ҳиссасига тўғри келади.

"Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва гоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлар билан тамаддуллар чорраҳаси — Самарқанд шаҳрида "Ипак йўли" туризм университети ташкил этишини таклиф қилади", дейилади Президентимизнинг саммитдаги нутқида.

Шу йилнинг 28 июнида имзоланган қарор бўйича ташаббуснинг амалий ифодаси, уни рўёбга чиқариш учун "Йўл харитаси" бўлди, дейиш мумкин.

Тарихи минг йилларга бориб тақаладиган ушбу маконнинг ҳар бир давлатида қулай, замонавий, мукаммал ишловчи сайёҳлик индустриясини барпо этиш имкони бор. Шу тараққа бугун дунёдан миллионлаб сайёҳларни жалб қилиш, қолаверса, ШХТга аёзо мамлакатлар ўртасидаги ички туризм оқимини ҳам кучайтириб юбориш мумкин.

Умуман, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган таклифлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ўз вақтида айтилди.

Бундан ташқари, ташаббусларнинг қизгин кутиб олингани, улар саммитнинг яқиний ҳужжатларидаёқ акс этгани ҳам бунга ёрқин далилдир. Яна бир жиҳат (ва бизнингча, энг муҳими) — таклифларнинг қуруқ гап эмаслиги, юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири бўйича Ўзбекистонда йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётганидир.

Ботир ҒОҒУРОВ.

Муҳаммад ШАФИҚ:

«Jamrug Group» компанияси Ўзбекистонда ипакчилик кластерини бунёд этади



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Охириг йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти, хусусан, ипакчилик саноатида амалга оширилаётган ислохотларни қандай баҳолайсиз? Унинг қайси жиҳатлари сизда қизиқиш уйғотмоқда?

— Биласизми, Ўзбекистонда бугун олиб борилаётган шиддатли ислохотларни ипак куртининг пилла ўрашидек муъжизавий жараёнга ўхшатаман. Ипак курти жуда қисқа, атиги бир ой ичида махсулот бергани каби юртингиздаги ҳозирги жадал ўзгаришлар тез орада юқори самаралар беришига ишонаман.

Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича дунёда Хитой ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда туришини, ипакчилик соҳасида бой тажриба, юқори салоҳият, энг асосийси, қадимий анъаналарга эга эканлигини яхши билардик.

Аммо компаниямиз махсус ишчи гуруҳи шу йил май ойида Тошкентга келган, инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар, бизнес юритиш учун тақдим этилаётган имтиёзлар, ипакчилик соҳасидаги тизимли ўзгаришларга яқиндан гувоҳ бўлиб, Ўзбекистон катта имкониятларга мавлақати эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

— Соҳа мутахассисларининг эътирофига, ипакчиликка тикилган сармога бошқа соҳаларга қараганда тезроқ фойда бера бошлайди. Катта даромад қуришни истаган тадбиркор эса, табиийки, кўпроқ инвестиция киритади. Шу маънода, сиз ипакчилик саноатида қанча маблағ йўналиштириш, уни қайси йўналишларга сарфлашни мўлжаллаясиз?

— Дарҳақиқат, ўрганишларимизга қараганда, агар бизнес-режа пишиқ бўлиб, иш оқилона юритилса, лойиҳа уч йилда ўзини тўлиқ оқлайди. Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити шароитида бу жараён янаям тезлашиши мумкин. Сабаби, ишчи

кучи, коммунал тўловлар БАА, Хитой ва бошқа давлатлар билан таққосланганда, жуда арзон.

Яна бир муҳим фактор пиллачиларнинг малака ҳамда ёш тоифасининг мақбуллигидир. Айтилди, ушбу жаҳада етакчи ҳисобланган Хитойда пиллачиларнинг ўртача ёши 65 га тенг бўлса, юртингизда ипак курти парваришига, асосан, ёшлар жалб қилинган. Улар бир йилда 3 мартагача юқори сифатли пилла етиштиришмоқда.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Баҳром Шарипов билан олиб борган музокаралардан сўнг икита лойиҳа устида тўхталиди. Биринчиси, Тошкент вилоятидан «ноль» харид қийматида ер олиб, замонавий ипакчилик мажмуасини бунёд этиш бўлса, иккинчиси, Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган қайта ишлаш корхонасини ишини ривожлантиришдир.

Қайси лойиҳани молиялаштирмайлик, кластер усулини жорий қилиш, тайёр махсулот ишлаб чиқаришини йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Чунки бир килограмм ипак ўртача 45 АКШ доллари атрофида сотилса, мазкур хом ашёдан 11 погон метр мато ишлаб чиқариш мумкин. Шунинг эвазига унинг ҳар бир погон метри ўртача 20 доллардан экспорт қилинган тақдирда, бир килограмм ипакни чуқур қайта ишлаш ҳисобига биз унинг таннархини 220 долларга етказишимиз мумкин бўларкан.

Хом ашёга қўшимча қиймат қўшадиган бундай тизимли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз ҳар томонлама кўмак беришга тайёрлиги бизни мамнун қилмоқда.

Айни пайтда лойиҳа қиймати, қуввати, зарур бўладиган маблағ ҳисоб-китоби устида ишланяпти. Жойларда бўлиб, пиллахона ҳамда ипакчилик фабрикалари билан танишгач, белгиланган ҳолда кўпроқ инвестиция киритиш истаги туғилди.

Ипакчилик лойиҳаси Ўзбекистондаги инвестициявий фаолиятимизда илқ қадамдир. Тез орада Тошкент шаҳрида компаниясиз офисини очиб, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам сармога киритиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

«Халқ сўзи» муҳбири Саид РАҲМОНОВ суҳбатлошди.

Янгилик

Инновацион бекатлар

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Термиз шаҳрининг ёш тадбиркорлари ҳамкорлигида Сурхондарё вилояти марказида инновацион жамоат транспорт бекатлари фойдаланишга топширилди.

Иккита ақлли бекатнинг қурилиши яқунлиниб, тўлиқ жиҳозланди, яна саккизта бекатнинг қурилиши давом этмоқда. Ишга тушган замонавий бекатларда ёзги-қишки кондиционер, жамоат транспорт ҳаракат жадалининг таълими, «Фуқаро-тезкор ёрдам хизмати» фавкулда алоқа ахборот панели, атроф-муҳит мониторинги сенсори, бепул Wi-Fi, видео назорати ҳамда USB электр тармоғи нуқталари мавжуд. Ҳар бир бекатда қуёш панеллари ҳам ўрнатилган бўлиб, улардан олинладиган энергия бекатнинг ёриткичлари ва USB электр тармоғи нуқталарини автоном электр манбаи билан таъминлаш қувватига эга.

қулайлиқни таъминлаш мақсадида унинг орқа ва ён модуллари уяли поликарбонатли устунлардан иборат бўлиб, ламинатланган қулай ўриндиқлар билан жиҳозланган. Мавсумий иқлим ўзгаришларини инобатга олган ҳолда, бекатлар очик ва ёпиқ кўпши залларидан иборат. Шунингдек, ақлли бекатнинг ўзгарувчан ҳаво иқлимга чидамлилигини ошириш мақсадида унинг ичкарисида ҳароратни назорат қилувчи мосламалар жойлаштирилган. Бекатлар ойна-ванд, аммо ойналари оддий эмас, инновацион. Шу ойналар кеч тушгач катта экран ролини бажаради.

Шойим БЎТАЕВ тўйролади.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҚЎРИҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ

«RESPUBLIKA MILK MARKAZI» МЧЖ бошлангич баҳоси боқичма-боқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Магнит» давлат корхонасига қарашли, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Саноат ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: * 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/233 НАА бўлган, техник носоз, «Damas ZBB VAN» русумли автомашина.

«Best realtor» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида * 2018 йил май ойида ўтказилган аукцион савдоси натижаси: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ҳамкор кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 29,0 кв. м. бўлган, 405-сонли касса биноси.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklama@xs.uz

Бугунги шиддаткор давр раҳбар ва масъул ходимлардан бир ҳақиқатни, яъни “Мен халқ ишончини оқлай оляпманми? Бу лавозимга лойиқманми?” деган саволни ўз олдига қўйиб, унга жавоб топишни талаб этмоқда...

Давлатимиз раҳбари 29 июнь куни Олмазор тумани фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳудудда йғилиб қолган муаммолар, уларни бартараф этиш, одамларни рози қилиш ҳақида куюнчаклик билан гапириб, бу борада зарур кўрсатмалар берди. Айни чоғда ушбу гоё ва тақлифлар туман аҳолиси, шу жумладан, маҳаллалар фаоллари томонидан чуқур ўрганилиб, зарур хулосалар чиқарилмоқда.

БЕФАРҚЛИК ВА ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ХИЁНАТДИР



Пойтахтимиз марказида шундай манзара борлиги ишонасизми? Аммо, кўриб турганингиз — ҳақиқат! Қерда дейсизми? Олмазор туманида...

Энди халқни алдаб бўлмайди.

Иззатилла РАҲИМОВ, “Иброҳим ота” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Президентимиз билан мулоқотда бўлиб, маҳалламизда ҳали амалга оширадиган ишларимиз кўпчилиги тушундим. Одамларни рози қилиш учун ҳеч бир нарса, ҳатто кичик бир муаммо ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Муаммо борми, демак, халқ биздан рози бўлмайди.

Ҳозир “Обод маҳалла” дастури асосида ишлар бошлаб юборилди. Ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган икки қаватли 19 та уй таъмир-талаб аҳволга келиб қолган эди. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари бутунлай ишдан чиққан. Айни пайтда уларда таъмирлаш ишлари олиб борилмапти. Лекин бир нарса мени қийнайди. Раис бўлганимга икки йил бўлди. Шундан биланманки, ушбу муаммолар бир кунда пайдо бўлган эмас. Аслида бу масала дастурга киритилишини кутиб ўтирмай, ҳал қилиш чораларини кўришимиз мумкин эди-ку. Аммо биз бефарқликка йўл қўйдик.

Учрашув асосида халқни алдаб бўлмаслиги, одамларни қийнаб келадиган муаммоларга ечим топиш кераклигини тушундик. Бунинг учун фаоллар, тadbirkorлар, қўйингки, барчани ёнимизга олиб, ишга киришсак, албатта, қутилган натижаларга эришамиз. Шунда одамлар биздан рози бўлади.

Шомахмуд ШОАЛИЕВ, “Юқори Себзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Гапнинг очиги, бугун олдиқоңди ваъдалар, одамларни алдаш билан обрў топиб бўлмайди. Бунинг шиддатли замон, олдимизга қўйилётган катта-катта талаблар ҳам тасдиқлайди.

Талаб деямиз-ку, аслида, бунинг эсдан чиқариб қўйдиқ, зиммамиздаги вазифаларни виждонан бажармадик. Халқни қийнаётган муаммоларни кўриб-билиб турсак-да, улардан ўзимизни олиб қочдик. Энди замон ўзгарди, бир-биримизни алдаб, камчилигини яширишдан фойда йўқлигини англаб етдик.

Муаммолардан холи маҳалла йўқ ҳисоби. Ҳаёт бор экан, муаммолар бўлиши табиий. Фақат ҳар бир масъул ходим уни вақтида англаса, жойида ечим топса, у ҳақиқий маънода фидойий раҳбар ҳисобланади. Мен шундай ўйлайман. Бизда ҳам муаммолар кўп. Шулардан бири кўп қаватли уйлардаги лифтлар носозлигидир. Таъмирлатамиз, яна бузи-

лади. Еттига уйнинг фасад қисми бир аҳволда. Бир километрдан ортиқ ички йўлларимиз ўнқир-чўнқир. Шу пайтгача бир хонали идорада ишлаб келдик. Шароит йўқ. Бунинг айтиб, ўзимизни оқламоқчи-



Интилиш бўлса, бас. Янги-янги иморатлар қад ростлайверади.

масмиз. Аслида тегишли ташкилотлар билан бир ёқадан бош чиқариб, ҳал қилса бўладиган ишлар барчаси. Бунинг учун астойдил ҳаракат керак, холос.

Баҳриддин ТОШТЕМИРОВ, “Зиё” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Юртбошимиз ҳудуддаги мавжуд муаммолар, камчиликлар ҳақида тўхталиб, уларни бугун ҳал қилмасак, эртага кеч бўлишини таъкидлади. Бунинг тағ-замирида катта маъно бор. Нега деганда, бир муаммо ўз вақтида ҳал қилинмаса, илдиз отиб, ортидан иккинчисига йўл очиб бор гап. “Бунда менинг айбим йўқ”, дея ҳеч бир раҳбар, ҳеч бир масъул ўзини оқлай олмайди. Чунки улар шу ҳудуд, шу маҳалла ободлиги учун, одамлар дардини эшитиб, уларга чора топиш учун жавобгардир. Очигини айтиш керак, бугун шундай жавобгарлик ва масъулиятни дилдан ҳис эта олмаёғамиз.

Учрашувда коммунал соҳадаги қарздорликни бартараф этиш масаласи ҳам кўтарилди. Бугун маҳаллада 15 миллион сўм қарздорлик аниқланган. Кам таъминланган оилаларнинг қарздорлигини ёпиш учун эса тadbirkorларни жалб қилиш чораларини кўряпмиз. Яқинда 10 нафар ана шундай оиланинг коммунал тўлови тўлаб берилди. Бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириб, муаммоларга очик кўз билан қараб, уларни ҳал қилиш йўлларини излашимиз керак бўлади. Шунда маҳалланинг ҳам нуфузи ошади, ҳам иши кўринади.

Абдулҳаким ҚОДИРОВ, “Қўёш” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бизда ёмон бир одат бор. Қайсидир оилада муаммо чиқса, бу менинг ишиммас, “отанга бор, онанга бор”, дейишга ўрганиб қолганмиз. Муаммо ечими ва масъулиятини зиммамизга олгимиз келмайди. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари биздан жонқуяшликни сўрайпти, оилага кирдингми, уни охиригача ўрган, муаммосини ҳал қил, деган талабни қўйди. Бу жараҳатда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳақиқий,

амалий ҳамкорликни кучайтириш ҳам лозим.

Маҳалла фаоллари ҳудуддаги аҳолини билади, унинг дардини ҳам, ташвишини ҳам яхши тушунади. Демак, бугун маҳалла раиси шунчаки

хисобот учун хонадонларга бормаслиги керак, аксинча, бир кишининг бўлса-да, муаммосини ҳал этиш орқали халқ ҳаётини яхшилашга ўз ҳиссасини қўйиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг хисобот учун қилинадиган учрашув ва мулоқотлар керак эмас, деган давватлари ўз ишимизга янада масъулият ва жонқуяшлик билан ёндашишга ундайди.

Музроб ЮНУСОВ, “Чимбой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Тажрибамдан шу нарса маълумки, маҳалла аҳли, маҳалла фаоллари бош бўлиб бир ишга киришса, у албатта, ижобий ҳал бўлади. Мана масалан, маҳалламиздаги Иккинчи Чимбой кўчасида 50 йилдан буён канализация тизими ўтказилмай келарди. Бир гуруҳ фаоллар кўчада истикомат қилаётган тadbirkorларга мурожаат қилишди. Уларнинг бошини бир жойга қўшиб, иш бошлашди. Кўпнинг маслаҳати, кенгаши билан канализация ўрнатилди.

Хўш, бундан ким фойда кўрди? Аввало, шу жойда истикомат қилаётган 28 та хонадон аҳолиси. Бундан маҳалладошларига ёрдам теккан тadbirkorлар ҳам хурсанд. Президентимиз бизнинг кўзимизни очди. Бирикиб, биргалашиб қилинган иш ҳеч қачон барбод бўлмайди, аксинча олға силжийверади. Маҳалла кўпнинг иши, у ҳаммаининг уйи. Маслаҳатли тўй тарқамас, деган мақол ҳам бежиз эмас.

Шухрат МИРЗАМУҲАММЕДОВ, “Ғалаба” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бугун айрим фуқароларимиз маҳалланинг ўзи нималигини, у қандай ишларга масъул эканини тўлиқ ҳис қилмаёпти. Сабаби, биз ўзимиз маҳалла раиси, маҳалла фаоли бўла туриб, бунинг уларга тўғри тушунтира олмаёғамиз. Йиғилишда бу ҳақда жуда тўғри фикрлар таъкидлаб ўтилди. Аввало, одамларнинг яшаш маданияти, ўз уйи атрофини обод қилиш, давлат томонидан қилинган чиройли иморатлар, болалар майдончасини асраб-авайлаш каби масалалардаги масъулиятини таъминлашимиз керак. Ўзи асли зиммамизга юқланган вазифаларни 50 фоизга ҳам бажармаётган эканмиз. Айниқса, маҳалладаги ёшларни иш би-

лан таъминлаш, бўш ётган иморатларни тadbirkorларга бериш масаласи — юрагимиздаги гап бўлди. Юртбошимиз шундай ташаббус билан чиқдики, маҳалла ҳудудидаги фойдаланилмаётган ерларни ким

яхши билади? Албатта маҳалла раиси. Энди биз уларни ўрганиб, ишлайман, ишчи ўрни яратаман, аввало, маҳалламиз ёшларини иш билан таъминлайман, деган тadbirkorларга ажратамиз. Бунинг қаранг: тadbirkorларимиздан дарвор 10 та тақлиф тушди. Бу гоёлар амалга ошса, маҳалламизнинг ўзида 50 нафар ёш иш билан таъминланади.

Фахриддин БАХРОМОВ, “Нихол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламиз пойтахтимиздаги энг ёш маҳаллалардан ҳисобланади. 2000 йилда уй-жойлар қурила бошланган ҳудудимиз 2007 йилдан шу ном билан атала бошланди. Янги қурилатган ҳовиллар, кўп қаватли уйлар ёш оилалар учун муқтавий ҳаёт бошланishi тимсоли ҳамдир.

Бугунги ёшлар жуда интилувчан, ташаббускор, салоҳишти юксак. Аммо баъзилари шохшалоқ, ўйлаб-ўйламай хулоса чиқаради. Оила муқаддаслигини, миллий менталитетимизга хос аъёнларнинг мазмунини кўп ҳам англамасдан қадам ташлайди. Бу эса аянчли оқибатларни келтириб чиқармоқда. Оилалар бузилиб, гўдақлар етим қолишига сабаб бўлмоқда. Ўтган бир йил давомида 4 оила ажралишининг олди олинди.

Ҳаёт фалсафаси китобларда жамланган. Кўп китоб ўқиган, улардаги маънони уққан фарзанд ҳеч қачон ноҳожиз ҳаракат қилмайди. Шу мақсадда маҳалламиз биноси ёнида кичик кутубхона қурдик. Ҳозирда бу кутубхона маҳалла ахлининг сеvimли масканига айланган. Келгусида кутубхонамизни кенгайтиришнинг режалаштирганмиз. Ишонимизки, бу ерда бугунги кунга шукрона, эртанги кунга катта ишонч билан боқаётган ўғил-қизлар жам бўлиб, ўзлари учун улкан маънавий бойликни қўлга киритадилар.

Мираббос МАГДИЕВ, “Ғани Аъзамов” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 3 минг 300 га яқин аҳоли истикомат қилади. Уларни қийнаётган муаммолар биргалашиб, ҳамжихатликка бартараф этиб келинади. Аммо икки йилдан буён ечимини топмаётган бир муаммо бор. Гап шундаки, маҳалламиз ҳудуд

да 1-шаҳар сил касалликлари шифохонаси жойлашган. Ҳозирда у сил касаллигига чалинган беморлар билан тўлган. Бу нафақат бизнинг, балки касалхона атрофидаги Тараққиёт, Қорасарой, Гуручарик, Чимбой ва Олтинсой маҳаллалари учун ҳам жуда катта муаммо. Энг хавфли томони шифохона ҳудуди кўриқланмайди. Бу муаммога ечим қидириб, неча маротаба тегишли ташкилотларга, жумладан, Ички ишлар вазирлиги кўриқлаш бошқармасига ёзма ва оғзаки мурожаат қилдик. Аммо масаланинг туб ўзига молиявий маблағга бориб тақалмоқда. Уларнинг айтишича, бир йилга битта кўриқлаш ходимига тахминан 24-25 миллион сўм миқдорда иш ҳақи тўлаш керак экан. Шифохона раҳбарияти ҳар йили шунча миқдордаги суммини ажратишга маблағ йўқлиги ҳақида айтимоқда.

Маълумки, сил касалиги таёқчалари йиллар давомида уйкуда ётади. Шароит туғилди, дегунча касаллик уйғонади. Шифохонадаги беморлар эса бемалол кўчага чиқадди, яқин атрофдаги кафе ва дўконлардан фойдаланади. Авваллари бу ердаги беморларга махсус кийим бериларди. Уларнинг кириш-чиқishi назорат қилинарди. Озодагарчиликка қаттиқ эътибор қаратиларди. Очигини айтиш керак, улар орасида ичувчилар, чекувчилар, гиёҳвандлар ҳам бор. Маҳаллада ёшлар кўп, қизларимиз бор. Биз фарзандларимизнинг мактабга бориб-келиши, кўча-кўйда уйнаши, меҳмонга боришидан хавотирдамиз.

Шифохонани кўчиришнинг имкони йўқдир, аммо кўриқлаш тизимини жорий этишнинг наҳотки бирон йўли бўлмасми?

Эрийгит БОЗОРБОВЕВ, “Мойарик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Авваллари тўйлар хонадонларда бўлиб ўтган. Ҳовиллар ўрнига кўп қаватли уйлар қурилгани боис турли маросимларни тўйхоналарда ўтказиш аъёнанага айланди. Бу жуда қулай эканини таъкидлаган ҳолда, ресторанлар нарҳига эътибор қаратадиган бўлсак, харажатлар миқдори анча юқори. Сўнги вақтлардаги тўй тadbirkorларини илҳамлаштириш, шароитдан келиб чиқиб камхарж тўйлар ўтказиш борасидаги тарғиботлар ўз самарасини бермоқда. Ҳовилда яшайдиган юртдошларимиз “наҳорги ош”, “келин базми”, “бешик тўйи”, “қуда чакирди” тadbirkorларини уйда, қўни-қўшни ва яқин қариндошлар даврасида ўтказмоқда.

Бўлажақ келин-куёвларга тўй ташкил қилиш тартиби, тўйхоналардаги шарт-шароитни тушунтириб берадиган масъуллар бириктирилса яхши бўларди. Бу мутахассисларнинг кўриши керак. Тўйхоналардаги шарт-шароитни тушунтириш билан сўхбат ўтказиб, тўйни илҳамлаштириш юзасидан тақлифларини берсин. Мақсадимиз — йигит ва қиз қайси тўйхона қандай эка-

нини билиш учун сарсон бўлиб, бўш тўйхона кидириб юрмасин. Ёки турли миш-мишларга ишониб, ёлгонларга алданиб кўп харажатга тушмасин. Маҳалламизда бу борада фаолларимиз билан ҳамжихатликда, маслаҳатлашиб иш қилинади. Сўнги вақтларда айрим юртдошларимиз ўзига нима кераклигини англапти. Қандай йўл тутса, камхарж тўй қилиши мумкинлигини билипти.

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар”, деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналимиздан иборатдур. Бир дўкончи, бир гулкор, бир факирхон, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан қаттиғдурки, мунинг учун бечора ҳар кун ўлар. Ҳар кун ўлгон ила-да қутулмас. Ўзидан сўнгра ахлу аёлига бу йўқсуллик ва бу мусибатни мерос кўяр...” деб ёзган.

Орадан шунча вақт ўтса ҳамки, халқимиз, жамиятимиз учун ҳалихануз долзарб ва аҳамиятли бўлиб турган ушбу масала нечоғли муҳим эканлигини яна бир бор англаб етасан киши.

Аваз ИБРАГИМОВ, “Пахта” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Яқинда маҳалламизда давлат идораларида ишлаган обрўли бир инсон ўглини уйлантирди. Тўй жуда ихчам ва ортиқча дабдабасиз ўтди. Бу инсон моддий жиҳатдан яхши таъминланган бўлишига қарамай, тўйни ўз уйда ўтказди. Бунинг бошқаларга ҳам ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Тўйларни ортиқча дабдабасиз ўтказишда оила бошлиғи — эркакларнинг ўрни алоҳида. Афсуски, бугунги кунда икки томондан ҳам аёлларнинг аралашуви тўйга меъёрдан ошишлар кузатишмоқда. Чунки улар турли янги урф-одатларни ўйлаб топмоқда. Агар эркаклар аёлларнинг аралашуви сиз тўй харажатларини ўзаро ҳал қилишса, бундан икки томон ҳам манфаатдор бўлади. Шунингдек, йигит киши ақл-хуши, касб-хўнари бўлиши керак. Ана шунда оила чинакам қўрғонга айланади. Ўз навбатида, келин ҳам шу даражада масъулиятни ҳис этиши керак. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот, ташвиқотни янада кучайтириш лозим.

Чет элда яшаб юрган ватандошларимизнинг ҳар бирига индивидуал ёндашиш зарур. Масалан, бугунги кунда бизнинг маҳалламиздан 79 нафар инсон хорижда иш-ламоқда. Биз уларнинг ҳаммасини ортага қайтариш лозим, деб ўйлаёмиз. Сабаби, уларнинг ичида ўз мутахассислиги бўйича яхши иш топиб, Ватанимизга сармоя киритаётганлари ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Аммо хорижда чиқиб, ишсиз, ўзига номуносиб меҳнат фаолияти билан шуғулланиб юрганларни, албатта, ортага қайтаришимиз зарур.

Халқимиз эзгуликка, яхшиликка, ободликка қаратилган ҳар бир давлатга ҳаммаша “Биз бу ишларга камарбастамиз”, деб жавоб қайтариб келган. Давлатимиз раҳбарининг “Обод маҳалла” дастури борасидаги ташаббуслари ҳар бир маҳаллада жўшқин акс садо берди. Демак, қўлни-қўлга бериб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, астойдил ҳаракат қилиш вақти келди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари ёзиб олди.

Ҳақим ЙҮЛДОШЕВ олган суратлар.



Эътирозга ўрин йўқ. Бўлар экан-ку!

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. ISSN 0010-4788. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10. Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6